**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**Қўлёзма ҳуқуқида**

**УДК: 73/76:371-3**

**Маматова Нилуфар Рахимбаеввнанинг**

*Бадиий кулолчилик дарсларида талабаларнинг тасвирий фаолиятини шакллантириш.*
*(Олий ўқув юртлари мисолида.)*

Магистратура йўналиши: 5 А140901 – Касбий таълим (Амалий санъат)

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

# ДИССЕРТАЦИЯ

Ҳимояга тавсия этаман
Магистратура бўлими бошлиғи
______________Н.А.Муслимов
“_____” июнь 2010й.

“Амалий санъат” кафедраси
мудири__________________
п.ф.д. профессор. С.С.Булатов
Илмий рахбар_____________
п.ф.д. профессор. С.С.Булатов

**Тошкент – 2010**

МУНДАРИЖА


**Кириш**………………………………………………………………… 3

**I-БОБ.** Педагогика олий ўқув юртларининг бадиий кулолчилик дарсларида талабаларни тасвирий фаолиятини шакллантиришнинг назарий асослари**…...** 12

1.1. Кадрлар тайёрлашда талабаларни тасвирий фаолиятини шакллантириш муаммосифатида…………………… ………...... 12

1.2. Бадиий кулолчилик дарсларида талабаларнинг тасвирий фаолиятини шакллантиришда “Уста ва шогирд” анъаналаридан фойдаланишнинг ўзига хос томонлари …………………………….. 24

**II-БОБ.** Бадиий кулолчилик дарсларида талабаларнинг тасвирий фаолиятини шакллантириш методикаси..................................... 33

2.1. Бадиий кулолчилик дастурининг илмий амалий асослари……........................................................................... 33

2.2. Бадиий кулолчиликка оид терминлар изохли луғатини ўргатиш орқали талабаларнинг тасвирий фаолиятини шакллантириш........................................................................ 43

2.3. Бадиий кулолчилик дарсларида талабаларнинг тасвирий фаолиятини шакллантиришнинг янги педагогик технологиялардан фойдаланиш методикаси.............................. 50

**III-БОБ.** Тажриба – синов ишларини ташкил этиш, ўтказиш методикаси ва натижалар таҳлили**................................................................** 87

**ХУЛОСАЛАР**………………………………………………............. 110

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР ВА МАНБАЛАР**……………… 113

**ИЛОВАЛАР**……………………………………………………….. 118

# КИРИШ

Бугунги миллий уйғониш даврида ижтимоий сиёсий ва иқтисодий масалалар қаторида инсон айниқса ёш авлод маънавияти, эркин, озод шахс маърифатига, маданият ва санъатнинг ривожига алоҳида эътибор берилди. Зотан, юксак маънавий-маданият ва санъатсиз, миллий қадриятларни янада юқори босқичга кўтармасдан туриб, янги жамиятни, янги ижтимоий тарихий муносабатларни ва янги дунёқарашни барпо этиш мумкин эмаслиги аён бўлди.

“Албатта, ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, - деб таъкидлайди, Президентимиз И.Каримов, – ўзига хос урф-одат ва анъаналарини, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада, табиийки, маънавий мерос, маданий бойликлар, кўҳна тарихий ёдгорликлар энг муҳим омиллардан бири бўлиб ҳизмат қилади”.[1.10:29-30]

Буюк ватандошларимиз - Имом Ал Бухорий, Ҳаким ал-Термизий, Хожа Баҳоуддин Нақшбандий, Имом Мотурудий, Бурҳониддин Марғинонийларнинг номлари қайта тикланмоқда. Ўтмишнинг буюк мутафаккирлари, шоирлари ва мусаввирлари – Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Муҳаммад Хоразмий, Абу Наср Фаробий, Аҳмад Фарғоний Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Камоллидин Беҳзод, Муҳаммад Мурод Самарқандийларнинг номлари ғурур билан тилга олинмоқда. Уларнинг шарафига ёдгорликлар мажмуалари қурилиб, китоблар чоп этилиб, фаолиятлари кенг тарғиб этилмоқда.

Ўзбекистонда янги маънавий-ғоявий йўналишларнинг шаклланиши ўз навбатида, замонавий санъатнинг барча соҳаларига таъсир этиб, ижобий изланишлар доирасини кенгайтириб, бадиий тафаккур ривожини янада жадаллаштиради. Тарихий, маданий ва маънавий-ахлоқий қадриятларнинг кенг қатламларини қайта идрок этиш ғоялари, янгиланиш тамойиллари санъатимиз тизимларида яққол намоён бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг барча соҳаларида рўй бераётган туб ўзгаришлар маънавий, маърифий, мафкуравий, касбий жиҳатдан мутлақо янги замон кишисини такомиллаштиришни талаб этади. Ҳозирги замон ёшларини миллий, шарқона, тарихий қадриятларни ҳисобга олган ҳолда замонавий руҳда тарбиялаш ҳам ижобий инсоний фазилатларга эга бўлган касб соҳибларини тайёрлаш муаммоси давлат миқёсидаги долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Жумладан, ёшларга таълим-тарбия беришда маъданият, қадрият, миллий санъат намуналаридан, ота-боболар томонидан яратилган ва бутун жаҳонга машҳур бўлган ажойиб санъат намуналаридан кенг фойдаланишга катта аҳамият берилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг истиқлолга эришиши маънавий, тарихий қадриятларимиз ҳамда халқ педагогикаси анъаналарини қайта тиклаш ва уларни замонавий педагогик технологиялар асосида ривожлантиришга йўл очиб беради. Айниқса, асрий анъаналарга эга бўлган халқ наққошликига ўқувчиларни жалб этиш – катта тарвиявий аҳамиятга эга эканлиги билан диққатга сазовордир. Шу жиҳатдан, ҳам ёш авлодни ҳар томонлама комил топтиришда педагогика фани ўз олдига янги вазифалар юклади. Зеро, бошқа соҳалар билан ҳамоҳанг тарзда илм ва санъат соҳаларида ҳам туб ўзгаришлар даври кечмоқда. Бу ўзгаришлар ёш авлодда нафақат назарий билимларни эгаллаш, балки уларни амалиётда қўллай олиш кўникмаларини шакиллантириш ва такомиллаштиришни ҳам тақазо этади. Ижтимоий-маданий, маънавий-маърифий аҳамиятга молик бўлган бу тадбирларни амалга оширишда кўп йиллар давомида миллий бойлик бўлиб келган халқларимизнинг маданий ва маиший ҳаётга кенг тадбиқ этилган гўзал ҳунарлардан бири наққошлик санъатини янада чуқурроқ ўргатиш муаммоси ҳам ҳозирги кунда жуда катта педагогик аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунида Давлат таълим стандартлари деб номланган 7-модда узлуксиз таълим концепциясини

ўртага қўяди. Бу концепция таълимнинг барча бўғинларини ягона узлуксиз таълим тизими сифатида интеграциялаштиришни назарда тутувчи қонунлар мажмуаси шаклида идрок этилади.

Ҳозирги замон билан уйғунлашиш таълим-тарбия жараёнларини такомиллаштиришнинг истиқбол йўлларини белгилайдиган муҳим, айни чоғда долзарб вазифаларни ҳал этиш учун психология, педагогика, дидактика фанларига нима етишмаслигини аниқламоқ зарур. Ўзбек халқининг, энг аввало, ёш авлоднинг маданий-маънавий ва ақлий камолотини таъмин этиш, шахсда касбий қобилиятларни ривожлантириш ҳар бир ёшда муайян нарсага қизиқишни, дунёни мукаммал билишнинг таркиб топиши билан руҳий фожеалар олдини олиш, шунга ўхшаш таълим-тарбиявий фаолиятларнинг аниқ тизимини яратиш учун психология, педагогика, дидактика фанлари олдидаги асосий муаммоларни белгилаб олиш мақсадга мувофиқ.

Маънавиятимизнинг хазинаси бўлмиш ўзбек халқ амалий безак наққошлик санъати турлари - қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлашда муҳим аҳамиятга эгадир. Мазкур масалани ривожлантиришда эса бадиий кулолчилик санъатининг турли мезон ва механизмларини ўрганиш, таҳлил этиш, ижобий сифатларини тарғиб қилиш зарурдир.

Ушбу ҳолатлар тадқиқотимиз мавзуини “Бадиий кулолчилик дарсларида талабаларнинг тасвирий фаолиятини шакллантириш” (Олий ўқув юртлари мисолида.) деб танлашда асос бўлиб хизмат қилди.

**Муаммонинг ишланганлик даражаси.** Диссертациянинг назарий концепциясини ишлаб чиқишда педагог-олимлардан В.Абдуллаев, Ф.Теденко, С.Шварцбурд ва бошқаларнинг илмий изланишлари муҳим бўлиб саналди. Айнан амалий санъат таълими йўналишларининг назарий қисмларини педагоглардан К.Ахияров, Ю.Васильев, В.Поляковлар илмий тадқиқот ишлари олиб боришиб, катта ютуқларни қўлга киритдилар.

Тадқиқот амалий қисмларини ишлаб чиқишда Б.Веймарн, В.Воронина, А.Ковалев, А.Леонтьев, М.Тайчинов, В.Феванов, ўзбек олимларидан

С.Абдуллаев, И.Азимов, А.Амануллаев, К.Акилова, И.Аҳмедов, Б.Бойметов, С.Боситхонов, С.Булатов, М.Булатов, П.Зоҳидов, У.Нуртаев, А.Сулаймонов, К.Қосимов, Р.Ҳасановлар томонидан олиб борилган илмий тадқиқот ишлари муҳим аҳамият касб этди.

Тадқиқотчилар И.Азимов [2.1.], К.Акилова [3.1.], Абу Хусни [3.10.], З.Алиева [3.2], С.Булатов [3.3.] Дж.Ильясов [3.4.], Ж.Дарменов [3.5.], З.Досметова [3.6.], Х.Рафиқова [3.7.], Х.Салиева [3.8.]лар томонидан ўтказилган ва амалий аҳамиятга молик бўлган тадқиқотларда бадиий кулолчилик санъатига бўлган илмий муносабатнинг ўзига хусусиятлари очиб берилган.

**Хусусан, М.К.Рахимовнинг "Ўзбекистонда бадиий кулолчилик", К.Акилованинг "XX асрларда Ўзбекистон халқ амалий-безак санъати: тараққиёт муаммолари", С.Булатовнинг "Ўзбекистонда ўқувчиларни эстетик руҳда тарбиялашда халқ амалий безак санъати", Ж.Дарменовнинг "Педагогика олий ўқув юртларининг бадиий-графика факультетларида миллий санъатни ўрганиш назарияси ва услубиёти", З.Досметованинг "Особенности декоративного оформления жилых домов Ташкента XIX – начала XX вв. (к изучению локальной архитектурно-художественной школы)", Х.Рафиқованинг "XX аср Фарғона наққошлик мактаби", Х.Салиеванинг "XX асрнинг иккинчи ярмидаги ганчкорлик санъатининг Тошкент мактаби" номли илмий тадқиқотлари нафақат амалий санъат фанлари йўналиши, балки таълим-тарбия назариясига бўлган илмий ёндашувни ўзида акс эттира олган.**

Мазкур ёндашувга шунингдек, Л.Ремпелнинг "Архитектурный орнамент Узбекистана" [2.14.], "Резьба по ганчу и дереву", М.Булатовнинг "Геометрическая гармонизация в архитектуре Средней Азии IX-XV вв." [2.3.], В.Манакованинг "Художественная культура народного жилища Узбекистана" [2.9.], 2.10. А.Морозованинг "Хивинский узор (на примере творчества Ширина Мурадова)" [2.10], И.Прицанинг "Ташкентская резьба по ганчу"

[2.27.] номли асарларини, хусусан, бизнинг илмий муаммомиз – ижодий фикрлашни такомиллаштириш вазифаларини ҳам боғлаш мумкин.

Муаммомиз педагогик ҳолатини баҳолашда олимлар: Н.Ростовцев, В.Неменский, А.Хворостов, Е.Шорохов, Т.Шпиклова, К.Ералин ва бошқалар, республикамизда С.Булатов, Р.Хасанов, С.Абдуллаев, А.Сулаймонов, К.Қосимов, Б.Бойметов, Н.Толипов, Р.Ражабов, А.Амонуллаевларнинг наққошликни ўрганишнинг назарий ҳамда методик томонлари бўйича ўтказган илмий тадқиқот ишлари катта роль ўйнади.

Айниқса, олий ўқув юртларида наққошликни ўргатиш юзасидан Б.Бойметов, С.Абдуллаев, Т.Собировлар томонидан ўтказилган тадқиқот ишларини ҳам мазкур соҳа назариясини ўрганишга қаратилган тадқиқотлар қаторига қўшиш мумкин.

**Муаммонинг илмий-тарихий назариясига, хусусан, амалий санъат йўналишига аниқлик киритишда М.К.Рахимовнинг “Ўзбекистонда бадиий кулолчилик” [2.29.], С.С.Ғуломов, С.С.Булатовларнинг “Шарқона “уста-шогирд” одоби” [2.30.], А.Ҳаққуловнинг “Таъмир санъати” [2.25.], И.Азимовнинг “Ўзбекистон нақшу нигорлари” [2.1.], С.Булатовнинг “Ўзбек халқ амалий безак санъати” [2.2.], П.Зоҳидовнинг “Зеб ичра зийнат” [2.4.] каби каби асарлари амалий санъатнинг, қолаверса бадиий кулолчилик йўналишининг республикамизда назарий асослари ривожланишига ва такомиллашувига илмий туртки бўлди.**

Ўзбекистонда амалий санъатнинг ривожида фаолият кўрсатган Мухиддин Каримов, Абдукарим Ҳолиқов, Усмон Икромов, Ширин Муродов, Шамси Ғофуров, Жалил Ҳакимов, Тошпўлат Арслонқулов, Маҳмуд Усмонов, Абдулла Болтаев, Олимжон Қосимжонов, Ёқубжон Рауфов, Саидмаҳмуд Норқўзиев, Саидаҳмад Маҳмудов, Мирзиёд Каримов, Анвар Пўлатов каби юзлаб халқ усталарининг амалий фаолияти жаҳон ва европа давлатларида машҳурлиги, улар томонидан бажарилган ишларнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлаш жоиздир.

Хорижда, МДҲ ва рсепубликамиз миқёсида олиб борилган илмий-тадқиқот ишларини таҳлил қилиб, биз кулолчилик дарсларида талабалар тасвирий фаолиятини шакллантиришнинг илмий тадқиқот объекти сифатида тадқиқ этилмаган деган хулосага келдик.

Шунингдек, тадқиқотимиз жараёнида олий таълим муассасаларида ўқитиладиган амалий санъат фанлари йўналишида олиб борилган илмий тадқиқот ишларида талабаларнинг тасвирий фаолиятига оид тушунчаларни такомиллаштириш бўйича таҳлиллар етарли даражада эмаслиги, айрим назарий ёндашувларни ҳисобга олмаганда умуман ўтказилмаганлиги маълум бўлди. Ушбу муаммо бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда ўзининг долзарблигини ҳозир ҳам йўқотган эмас, деб ҳисоблаймиз.

**Тадқиқотнинг мақсади –** Бадиий кулолчилик дарсларида талабаларнинг тасвирий фаолиятини шакллантириш методикасини ишлаб чиқиш ва унинг самарадолигини тажрибада синаб кўриш.

**Тадқиқотнинг объекти** – педагогика олиб ўқув юртларида бадиий кулолчилик дарслари жарёни.

**Тадқиқотнинг предмети** – педагогика олий ўқув юртларининг Бадиий кулолчилик дарсларида талабаларни тасвирий фаолиятини шакллантиришнинг мазмуни, шакли, методи ва воситалари.

**Тадқиқотнинг фарази** – педагогика Олий ўқув юртларининг “бадиий кулолчилик” дарсларида талабаларнинг тасвирий фаолиятини самарали таъминлаш мумкин, агарда:

- Бадиий кулолчилик дарсларида талабаларни тасвирий фаолиятини шакллантиришнинг назарий ва амалётдаги мавжуд холатларни ўрганиб таҳлил этилса;
- Бадиий кулолчилик фанини “илмий асосида дастурини ишлаб чиқиш”
- Талабаларни тасвирий фаолиятини шакллантириш модели тузилса;

- Талабаларни тасвирий фаолиятини шаклланганлик даражасини мезонлари ишлаб чиқилса;
- Янги педагогик техналогиялардан фойдаланиш орқали талабаларни тасвирий фаолиятини шакллантиришни методикаси ишлаб чиқилса.

**Тадқиқот фаразлари**

- олий таълим муассасларининг бадиий кулолчилик дарсларида талабаларни тасвирий фаолиятини шакллантиришнинг назарияси ва амалиётда мавжуд холатини таҳлил этиши.
- Олий таълим муассасаларининг бадиий кулолчилик дарсларида талабаларнинг тасвирий фаолиятини шакллантиришнинг шакли, метод ва восималарини аниқлиш ҳамда таълим жараёнига тадбиқ этиш.
- Олий таълим муассасаларнинг бадиий кулолчилик дарсларида талабаларни тасвирий фаолиятини шакллантиришга оид методик тавсияларни ишлаб чиқиш ва уларни тажриба синовидан ўтказиш.

**Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий холатлар:**

- бадиий кулолчилик дарсларида талабаларни тасвирий фаолиятини шакллантиришнинг назарий ва амалиётдаги мавжуд холатлар таҳлили;
- Олий таълим муассасаларнинг бадиий кулолчилик дарсларида талабаларни тасвирий фаолиятини шакллантиришнинг шакли метод ва воситаларини аниқлаб ҳамда таълим жараёнига тадбиғи;
- бадиий кулолчилик дарсларида талабаларнинг тасвирий фаолиятини шакллантириш мезонлари ва механизми;
- бадиий кулолчилик дарсларида талабаларнинг тасвирий фаолиятини шакллантириш модели;
- Олинган тажриба синов натижаларига кўра тегишли тавсиялар.

**Тадқиқотнинг методологик асоси бўлиб:** Ўзбекистон Республиканинг Конституцияси; «Таълим тўғрисида»ги қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»; “Соғлом авлод” давлат дастури; ёш авлодни шакллантириш

тўғрисидаги Вазирлар Маҳкамаси томонидан чиқарилган қарорлар; шунингдек, Шарқ мутафаккирларининг талим-тарбия, фалсафий қарашлари; баркамол шахс моҳияти, инсон ва жамият ривожланишида санъат ва ҳунарнинг ўрни тўғрисидаги ғоя ва назариялар хизмат қилади.

**Тадқиқот методлари.** Фалсафий, тарихий, психологик-педагогик, методик адабиётлар ва вақтли матбуот мақолаларни таҳлил қилиш, кузатиш, суҳбат, тест, сўровнома, педагогика олий ўқув юртлари архив хужжатлари билан танишиш, педагогик тажриба-синов ишларини ўтказиш, олинган далилларни умумлаштириш, методик-статистик жихатдан қайта ишлаш ҳамда хулосалаш.

**Тадқиқот илмий янгилиги.** Олий таълим муассасаларидабадиий кулолчилик санъати ўрганиш жараёнида талабаларнинг тасвир фаоллиятини шакллантиришга оид биринчи бор илмий тадқиқот иши олиб борилди; тасвирий фаолиятини шакллантириш модели тузилди; методикаси ишлаб чиқилди.

**Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти.** Амалий санъат бўлажак ўқитувчиларнинг педагогик маҳорати ва ўрганаётган бадиий кулолчилик санъатини янада чуқур ва атрофлича ўрганилганлиги, уларни тасвириб фаолиятини шакллантириш методлари ишлаб чиқилганлиги. Шу муаммони ҳал қилиш учун методик тавсиялар ишлаб чиқарилган.

**Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши.**

Тадқиқот натижалари Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика Университети

**Натижаларнинг амалиётга тадбиқ этилиши:**

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Муаллиф томонидан диссертация материаллари асосида илмий амалий анжуман тўпламларида 2 та илмий мақолалар чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.**

Диссертация кириш, 3 та боб, 5 параграф, хулосалар, тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйҳати ва иловалардан ташкил топган. Диссертациянинг умумий ҳажми 138 саҳифадан иборат.

## I – БОБ.Педагогика олий ўқув юртларининг бадиий кулолчилик дарсларида талабаларни тасвирий фаолиятини шакллантиришнинг назарий асослари.

### 1.1.Кадрлар тайёрлашда талабаларни тасвирий фаолиятини шакллантириш муаммо сифатида.

“Кулолчилик” фанининг мақсади ва вазифалари. Ўзбек халқи ўзининг қадимий ва бой маданияти билан бутун дунёга машхурдир. Ўзбекистоннинг қадимий ёдгорликлари ва тупроқ ости қисми улкан тарихий музейдир. Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Хива, Термиз ва бошқа шаҳарлардаги ҳар бир архитёктура ёдгорлиги бир буюк асар, нодир қўлёзмалар, халқ амалий санъати намуналари бир вақтлари Ўзбек ҳалқининг маданияти нақадар юксак бўлганлигидан далолат беради. Чунончи ота-боболаримиз қурган бинолар, меъморчилик безаклари, уларнинг ранг-баранглиги, геометрик ва ўсимликсимон нақшлар, композиция тасвири каби барча обидаларимиз завқ олишга, эстетик тарбияланишига чорлайди. Улар орқали аждодларимиз ўз орзу-умидларини халққа изхор этишган. Асрлар давомида орттирган маданий бойлигимиз, халқ амалий санъатининг айрим турлари, уларнинг ўзига хос турлари ҳақиқий Ўзбекона номлари, ишлаш технологиялари ва уларни яратган усталаримизнинг номлари аста-сёкин унутилиб кетиш арафасида турибди. Шунинг учун халқимизнинг асрлар бўйи қилган ижодий меҳнати натижасида яратилган тарихий ёдгорликлар ва бошқа амалий санъатимиз обидаларини кўз қорачиғимиздёк сақлаш, қадрлаш ва улардан фойдаланиш хозирги давримизнинг энг мухим вазифаларидан биридир.

Кулолчилик фани талабаларни юқори билимли, малакали ўқитувчи бўлиб етишишида жуда катта роль ўйнайди. Кулолчилик курсида юксак бадиийлик миллий анъанани ривожлантиришга, ундан фойдаланиш, ундаги ижодий амалиёт услубларини жорий этиш, табиий материал билан ишлаш, талабаларда қунт ва чидам, қадрият, халқ амалий санъатининг қизиқарли, ўзига хос турларига жалб этиш мақсадга мувофиқдир. Ўрта аср

кулолчилигини ўрганган талабалар анъанавий лаган, гулдон ва янги шаклли безак идишлар, портретлар, совға буюмлар яратадилар. Уларни безашда ўсимликсимон нақшлар билан бир қаторда хайвон шакллари ва ёзувли тасвирлардан моҳирона фойдаланадилар. Сопол материал ва бўёқларни ўрганиш йилидаги изланишлар самараси сифатида бир қатор асарлар майдонга келади. Бадиий кулолчилик шарқнинг энг қадимий ва навқирон санъатидир. Унинг тарихи, жаҳон маданиятидаги ўрни ва аҳамияти. Неолит ва эполит давридаги кулолчилик санъатининг ривожланиши. VII-XII асрларда Ўрта Осиёда, XIV асрда А.Темур даврида санъат-маданиятнинг равнақ топиши. XIX асрда Самарқанд, Бухоро, Ғиждувон, Шахрисабз, Тошкент, Риштон каби жойларда кулолчилик марказлари бўлиши. Ҳозирги кунда кулолчилик санъатининг ривожи. Кулолчилик қора лойдан мўъжизакор гўзаллик яратган Шарқнинг энг қадимий ва навқирон санъатидир. Бу қора лой саховат ва ҳалоллик эҳтиёжини ўз зиммасига олган фаровонлик, тўкинлик, ризқ–рўзи, гўзалликни энг олий кўриниши санъатининг заминидир.

Кулолчилик билан дунёдаги барча халқлар шуғулланади. Улар ўзига хос томонлари билан бир–биридан фарқ қилади. Ўзбек кулолчилиги узоқ тарихга, ажойиб анъаналар, шакл, мазмун, ижодий жараён ва ўзига хос услубга эга. Сопол буюмлар содда бўлсада, унинг кўриниши қисмларининг аниқлиги, мутаносиблиги, сақланиши, нақшларнинг бадиий жойлашиши, шакл ва мазмуннинг бирлиги, уйғунлиги Ўзбек кулолларини жаҳонга танитиб келмоқда. Кулолчилик ҳунари лойдан пиёла, коса, товоқ, кўза кабиларни тайёрлайдиган соҳа бўлиб, у узоқ тарихга эга. Махсус тупроқни ўта қиздирганда тошсимон бўлиб пишишини, ундан ҳар хил идишлар тайёрлашни одамлар жуда қадимдан билганлар. Улар аввал лойдан идишлар ясаб гулханда қиздириб пиширганлар.

Тупроқ жаҳоннинг ҳамма ерларида бўлгани учун кулолчилик кенг тарқалган бўлиб, дастлаб бу ҳунар билан аёллар шуғулланганлар. Кулолчилик тарихи милоддан аввалги 3 минг йилликнинг бошларида ихтиро қилингандан

кейин кулолчилик билан эркаклар шуғуллана бошлаганлар. Кейинчалик лойдан ясалган идиш–товоқларни махсус ўчоқ ҳамда хумдонларда пиширганлар.

Неолит даврида идишларнинг таги учлик қилиб ясалиб ерга санчиб қўйилган. Энолит даврида эса Шарқ мамлакатларида ҳамда қадимги Грецияда нафис кулолчилик идишлари ривож этган ва меъморчиликда сополдан фойдалана бошлашган. VIII-XII асрларда кулолчилик Ўрта Осиёда яхши ривожланган. Буни Афросиёб ва Ўрта Осиё мамлакатларидан топилган кулолчилик буюмлари исботлаб берди. Ўша даврда Ўрта Осиё маданияти тез суръатда ривожланди. Янги кўтарилиш даври бўлди. Кўпгина олим, ёзувчи ва мутафаккирлар етишиб чиқди.

XIX асрда Ўрта Осиёда тожик ва Ўзбек халқлари ўртасида кулолчилик жуда кенг ривожланиб, ўиждувон, Панжикент, Самарқанд, Шахрисабз, Тошкент, Риштонда кулолчилик марказлари пайдо бўлди. Улар сопол идишларни сирлаб безатишнинг ўзига хос услубларини вужудга келтирдилар. 1930 йилда Тошкентда экспериментал керамика ва Самарқандда керамика устахоналари очилди. 1932 йилда Тошкент ўқув ишлаб–чиқариш устахонаси ташкил этилиб, у маҳаллий халқ амалий санъат усталари, шу қатори кулоллар тайёрлайдиган курслар ташкил этилди. 1943 йили Шаҳрисабзда ўқув ишлаб–чиқариш бадиий корхонаси ишга туширилди. Кулолчилик сир-асрорларини машҳур кулоллар ёшларга ситҳидилдан ўргатдилар. Хозирги кунда кулолчилик фанига янада эътибор кучаймоқда. Пойтахтимизнинг барча Қўшимча Таълим Муассасаларида тўгараклар ишлаб турибди. Ўзбекистон Бадиий Академиясига қарашли Республика Рассомлик колледжида К.Беҳзод номидаги рассомчилик ва дизайн институтида, Низомий номли ТДПУ “Санъат” факультетининг амалий санъат кафедрасида бу фан сирлари талабаларга ўргатилиб келмоқда. Бу усталар яратган кулолчилик санъат асарлари ҳам музейлардан жой олишига ишончимиз комилдир.

Риштон Ўзбекистондаги сирланган сопол буюмлари ишланадиган энг машҳур ва қадимий марказлардан бири. XIX аср охири XX аср бошларида аҳолисининг деярли ҳаммаси кулоллардан иборат эди. Фарғона водийсидаги барча кулолчилик марказлари азалдан Риштон кулолчилик таъсири остида бўлган. Ушбу туманда ҳар қандай турдаги буюмларни ясаш учун яроқли бўлган, алохида навли кулолчилик гилининг мавжудлиги бунга асос бўла олади. Қизғиш-сарғиш рангли ажойиб гил Риштоннинг деярли бутун худудида 1–1,5 м чуқурликда қатлам бўлиб жойлашган. Гилнинг яхши сифатлилиги маҳаллий усталарнинг уни Ўзбекистоннинг бошқа туманларидаги кулоллардан фарқли равишда олдиндан тозалаб бошқа турдаги тупроқларга аралашмаган холда ишлаб чиқаришга жалб қилиш имконини беради. Кулоллар Риштон яқинидаги тоғлардан ҳар хил бўёқлар, кварцли хум ва оловбардош гилларни қазиб олишган. 1960 йилларда юқорида эслатиб ўтилган мовий сопол буюмлари ишлаб чиқариладиган анъанавий марказлар бархам топа бошлади. Ана шундай шароитда Санъатшуносларнинг Бутуниттифоқ конференцияси (Фарғона 1974 йил) қабул қилинган мовий ишкорли сопол идишлари ишлаб чиқариш анъаналарини сақлаб қолиш хақидаги қарори амалий аҳамият касб этди. Ушбу қарор усталарга маъқул тушди. Улар олдинги ишлаб чиқаришга қайтиб буюмларни безашнинг анъанавий шакллари ва усулларини қайта тиклай бошладилар. Кейинги 20 йил ичида Риштон сополи анъанавий бадиий ва технологик усуллар асосида яна қайта тикланди. Ишқорли сир тайёрлаш ҳам йўлга қўйилди. Риштон сополчилигининг маҳаллий бадиий хусусиятлари кўп жиҳатдан буюмларга нақш берилишида кўзга ташланади. 1990-2000 йиллардаги гириҳ безаклар орасида тўрсимон нақш, ромбсимон нақш, учбурчакли шаклларнинг бир маромда жойлаштирилиши доирасимон шаклларнинг занжир шаклида бир тёкис берилиши нуқтали нақш қора ва оқ квадратчаларнинг навбат билан ўрин алмашиши шаклидаги нақш эгри ва тўғри чизиқлар шаклидаги доирача ва тупбарггул шаклидаги мавхумий геометрик безаклар кўп тарқалди.

Ўсимликсимон нақшлар айниқса турли–туман ва сермазмундир. Ўсимлик дунёсига оид мавзуларни талқин қилишда айниқса анъанавий белгилар билан бу мавзуларнинг янгича талқинлари нисбатан яққол кўзга ташланади. Хайвонларга оид ва антрополорфик мавзулар Риштон кулолчилигида “парчаси яхлити учун” тамойилига кўра тақдим этилган. Унда инсон, ҳайвонлар ва паррандаларнинг гавдасини айрим унсурлари ёрдамида яхлитлик ғояси акс эттирилади. 1990-2007 йиллар Риштон кулолчилигининг ривожига қўйидаги тамойилни қайд қилиш мумкин. Риштонлик усталар анъанавий меросни астойдил эъзозлаш билан бирга анча дадиллик ва кескинлик билан буюмлар шакллари талқини ҳамда нақшли безаклар ҳарактерига ўзгаришлар киритишяпти. Анъанавий шаклларни ва нақшларни изчиллик билан тўлақонли қилиб қайта тиклаш анъаналарга сўзсиз риоя қилиш ўрнини якка тартибдаги ижодий ташаббускорлик, янгича усул ва нақшин безаклар турларини кенгайтириш эгаллаб бормоқда.

Кулолчилик қора лойдан мўъжизакор гўзаллик яратган Шарқнинг энг қадимий ҳамда навқирон санъатидир. Бу қора лой, саховат, ҳалоллик, эзгулик тимсолидир. Тупроқ инсонларнинг барча эҳтиёжини ўз зиммасига олган фаровонлик, тўкинлик, ризқрўз, гўзалликнинг энг олий кўриниши санъатининг заминидир (Кулолчилик устахонаси. XIX аср охири). Кулолчилик билан дунёдаги барча халқлар шуғулланади. Улар ўзига хос томонлари билан бирбиридан фарқ қилади. Ўзбек кулолчилиги узоқ тарихга, ажойиб анъаналар, шакл, мазмун, ижодий жараён ва ўзига хос услубга эга (Тошкентлик машҳур кулол Акбар Раҳимов ясаган кулолчилик буюмлари ҳамда Лаган, коса ва кўза Шаҳрисабзлик кулол ясаган Аҳад Музаффаров. , «Оқ чинни» Риштонлик кулол И.Комилов , Тошкентлик кулол М.Мамажонов санъат асарларидан намуналар). Сопол буюмлари содда бўлсада унинг кўриниши қисмларининг аниқлиги, мутаносиблиги сақланиши, нақшларининг бадиий жойлашиши, шакл ва мазмунининг бирлиги, уйғунлиги Ўзбек кулолларини жаҳонга танитиб келмоқда. Кулолчилик ҳунари лойдан, пиёла, коса, товоқ, кўза, лаган,

хурмача, тоғора, хум, тандир, буюм, ўйинчоқлар, қурилиш материаллари ва бошқалар тайёрлайдиган соҳа бўлиб, у узоқ тарихга эга. Махсус тупроқни ўта қиздирганда тошсимон бўлиб пишишини, ундан ҳар хил идишлар тайёрлашни одамлар жуда қадимдан неолит даврининг бошларидаёқ билганлар. Улар аввал лойдан идиштовоқлар ясаб, гулханда қиздириб пиширганлар. Тупроқ жаҳоннинг ҳамма ерларида бўлгани учун кулолчилик кенг тарқалган бўлиб, дастлаб бу ҳунар билан аёллар шуғулланганлар. Кулолчилик чархи милоддан аввалги 3минг йилликнинг бошларида ихтиро қилингандан кейин кулолчилик билан эркаклар шуғуллана бошлаганлар. Кейинчалик чойдан ясалган идиштовоқларни махсус ўчоқ ҳамда хумдонларда пиширганлар.

Неолит даврида идишларни таги учли қилиб тайёрланиб ерга санчиб қўйилган. Энолит даврида эса Шарқ мамлакатларида ҳамда қадимги Грецияда нафис кулолчилик идишлари ривож этган ва меъморчиликда сополдан фойдалана бошланган.

VIII—XII асрларда кулолчилик Ўрта Осиёда яхши ривожланган. Буни Афросиёбда ва Ўрта Осиёнинг бошқа ерларида топилган кулолчилик буюмлари исботлаб берди. Ўша даврда Ўрта Осиё маданияти тез суръатлар билан ривожланди. Янги кўтарилиш даври бўлди. Кўпгина олим, ёзувчи ва мутафаккирлар, яъни Абу Али ибн Сино, Беруни, Фирдоуси, Рўдакилар етишиб чиқди. Бутун дунёга машҳур бўлган меъморчилик ёдгорликлари бунёд этилди. Бухорода Исмоил Сомоний мақбараси қурилди. XIII асрда мўғуллар босқинчилиги оқибатида Бухоро, Самарқанд, Урганч, Мавр, Балх ёнғин остида қолди. Оқибатда кулолчилик санъати ривожига путур кетди. XIV асрдан бошлаб Ўрта Осиё территориясида кулолчилик тез суръатлар билан ривожланди. Кулолчилик чархи: амалий санъатини ривожлантиришда жуда катта хизмат қилди. Босиб олинган жойлардан усталарни олиб келиб улар учун расталар очтирди. Машҳур гўзал, нафис бинолар, қасрлар, саройлар қурдирди. Амир Темур вафотидан сўнг ўзаро ички жанглар оқибатида Темурийлар хонлигида марказлашган хонлик кучсизланиб кетди. Натижада

Бухоро, Хива, Қўқон хонликлари пайдо бўлди. Ўрта Осиёда бир неча феодал давлатнинг бундай ажралиши натижасида ўзаро алоқа сусайиб кетишига сабаб бўлди. Тунинг учун ҳам кулолчилик турли ерларда турлича ривожланди. XIX асрга келиб кулолчилик мамлакатлари ташкил бўла бошлади. Ўрта Осиёда сувга бўлган эҳтиёж катта бўлгани учун сопол идишларни тез суръатлар билан ишлаб чиқаришга эҳтиёж сезилди. Асрлар оша уларнинг шакли ва безаги нафислашиб борди. Усталар турлитуман кулолчилик буюмларини ясашдан ташқари уларни юксак дид билан безай бошладилар.

XIX асрда арзон баҳо чинни ишлаб чиқарилиши ва Россиядан чинни идишларни кўплаб олиб келтирилиши Ўрта Осиё территориясида сопол буюмлар ишлашни бирмунча пасайтириб юборди. Лёкин арзон сопол идишларни меъморчиликда кенг фойдаланилиши кулолчиликнинг ривожланишига тўсқинлик қила олмади.

XIX асрда Ўрта Осиёда тожик ва Ўзбек халқлари ўртасида кулолчилик жуда кенг ривожланиб Қиждувон, Панжикент, Самарқанд, Шаҳрисабз, Тошкент, Риштонда кулолчилик марказлари пайдо бўлди. Улар сопол идишларини сирлаб безатишнинг ўзига хос услубларини вужудга келтирдилар. Айниқса, ишлаб чиқарилаётган кулолчилик маҳсулотларининг сифатлилиги, чиройлилиги, нақшларининг нафис ва таъсирчанлиги билан шуҳрат қозондилар. 1930 йилда Тошкентда экспериментал керамика ва Самарқандда керамика устахоналари очилди. 1932 йилда Тошкентда ўқувишлаб чиқариш устахонаси ташкил этилиб у ер халқ амалий санъати усталари шу қатори кулоллар тайёрлайдиган курслар ташкил этилди (1943 йилда Шаҳрисабзда ўқувишлаб чиқариш бадиий комбинати ишга тушди). Кулолчилик сирасрорларини машҳур кулоллар ёшларга ситқидилдан ўргатдилар. Булар риштонлик Узоқ Шерматов, Холмат Юнусов, Ғиждувонлик Муҳаммад Сиддиқ, Усмон Умаров, Тошкентлик Туроб Миралиев, шаҳрисабзлик Рустам Эгамбердиев, Карим ҳазратқулов ва бошқалар эди.

Кўпгина кулолчилик устахоналари, артеллари ташкил этилди. 40 йилларда Қиждувондаги «Намуна», Риштонда «Янги ҳаёт» артеллари фақат жумҳуриятимизда эмас, балки бутун дунёга машҳур эди.

Айниқса кулолчиликни татбиқ этишда Ўзбекистон халқ рассоми, санъатшунослик номзоди Муҳиддин Раҳимов самарали меҳнат қилди. У ўзига хос кулолчилик мактабини яратиб, халқ санъатига оид бир қанча асарлар ва ажойиб шогирдлар қолдирди.

Муҳиддин Раҳимов — Тошкент кулолчилик мактабининг машҳур кулолларидан бири (1903). Кулол, санъатшунос, Рассомлар уюшмасининг аъзоси, Ўз халқ рассоми кулолчилик ҳунарини қариндошларидан ўрганган. Туркистон халқ хўжалиги кенгаши қошидаги Тошкент бадиий ҳунармандчилик мактаби (1918—20), Москва Силикатлар институти (1924—26) да ва Ленинград Керамика институти (1927—29) да ўқиган. У Самарқанд ва Тошкентдаги қадимий меъморчилик ёдгорликларини таъмирлашда қатнашди. Раҳимов ижодида анъанавий Ўзбек кулолчилиги билан замонавий совет сополчилиги уйғунлашган. Ижодининг дастлабки даврида яратган буюмлари (йирик шаклли эркин ҳамда қуюқ бўялган нақш безаклари) да ёрқин заминдаги кўк, яшил, сариқ гуллар жилоси ажойиб композиция ҳосил қилади. Ўрта асрлар кулолчилигини яхши ўрганган Раҳимов анъанавий лаган, гулдон ва янги шаклли безак идишлар, портретли совға буюмлар яратди, уларнинг безагида ўсимликсимон нақшлар билан бир қаторда мазмун, ҳайвон шакллари ва ёзувли тасвирлардан моҳирона фойдаланди. Сопол материали ва бўёқларини ўрганиш йўлидаги изланишлар самараси сифатида бир қатор асарлар майдонга келди, масалан, 1961 йилда рус тилида «Художественная керамика Узбёкистана» асари ва бошқалар. У ҳамза номидаги санъатшунослик институтида илмий ходим бўлиб ишлаган (1965—71), Тошкент театр ва рассомчилик санъати институти (1958—61) ва П. Беньков номидаги Республика бадиий билим юртида дарс берган (1952—76). Раҳимов яратган сопол буюмлар Москвадаги Шарқ халқлари санъати музейи,

Ленинграддаги И халқлари этнографияси музейида, Ўзбекитон Республика музейларида сақланади.

Хоразм кулолчилик санъатига катта ҳисса қўшган усталардан бири Раимберди Матжоновдир.

Раимберди Матжонов — Хоразм бадиий кулолчилик мактаби Ўзбекистон амалий безак санъатида алоҳида ўрин тутди. Кулолчилик мактаби Тошкент, Андижон, Фарғона, Самарқанд, Бухоро ва бошқа шаҳарлар кулолчилик мактабларидан ўзига хос ясаш услуби, технологияси, нақш композициялари, колорити, динамиклиги кишиларга эстетик таъсирчанлиги билан алоҳида ўрин тутади (Тошкентлик уста кулол Туроб Миралиев, Уста Ўамро Раҳимова. Уба, Ургутлик кулол М.Облоқулов. Кўҳна Урганчлик кулол Э.Сапаев. Хоразмда бу қадимий санъат авлоддан-авлодга анъана тариқасида ўтиб ҳозирги кунда ҳам ривожланиб, такомиллашиб келмоқда. Ана шундай бадиий «кулолчилик анъанасини давом эттириб келаётган Хоразм кулолчилик мактабининг йирик вакилларидан бири И Рассомлар уюшмасининг аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Раимберди Матжоновдир.

Раимберди Матжонов Хоразмнинг қадимий кулолчилик марказларидан бири Мадир қишлоғида 1909 йили кулолчилар оиласида дунёга келди. Ўша даврда Мадир қишлоғида ўн беш кулолчилик устахонаси бўлиб, уларда саксондан ортиқ кулоллар ишлар эди. Кошин пиширишда ўша даврда ном қозонган усталар Уста Болта Матризаев, Болта Ваисов, Матжон Қулматовлар бор эди. Матжон кулолнинг ўғли Раимберди ўз отасидан кулолчилик сирасрорларини ўргана бошлади. У аввал лойдан ҳар хил ўйинчоқлар, шакллар ясаган бўлса, кейинчалик ихчам бодия, кошинни ўрганди. Кулолчилик сирасрорларини олти йил деганда ўрганиб, Эшим кулолнинг оқ фотиҳасини олди. Ўзи мустақил идиш ва кошинлар ижод қила бошлади. 1930 йили Р. Матжонов кооператив артелига кириб кулолчилик ишларини давом эттирди. Ўша даврда кулоллар жуда камайиб кетган эди. Унинг бу оғир ишларига турмуш ўртоғи ердам берарди.

Уста наққошлик сирасрорларини мукаммал ўрганди. У шу ўрганган нақшларини кулоллик буюмларига қўллашга астойдил интилиб, XIX— XX аср Хива кошинкорлик анъаналарини бойитадиган буюмларни яратди. Кулол ишлаб чиқараётган буюмларда ҳам, кошинда ҳам уч хил оқ, яшил, ложувард ранглардан фойдаланди. У рангларни тайёрлаш технологиясини ҳам жуда яхши билар эди. Идиш тайёрлангандан сўнг қўлда ва штамп ёрдамида нақш чизилади, унга сир берилиб офтобда қуритилиб печда қиздирилади. Уста сирни ўзи тайёрларди. Қорақумга бориб, чоғон ёки кирчоп йиғиб дарҳол ўша жойда ёқиб кулини устахонага олиб келиб майдаланган шиша унига қўшади. Яъни уч қисм кулга бир қисм шиша кукуни қўшилади. Уни бирор идишда сув билан аралаштириб тайёрланган бодияга суртилади. Кейин бодияни ўтда пиширишда ўша юмалоқ суюқлик ўтга ташланади. У ўтда бодияга урилиб рангини ўзгартиради. Ўша қум порошогини сув билан аралаштириб, совитилади ҳамда тозаланади. Унга ун ва озгина мис оксиди қўшиб тайёрлайди, сўнгра бодия сиртига суркайди. Кулол Раимберди Матжонов шу технология асосида лойдан хум, кўза, тоғора, чаноқ, чойнак, пиела, офтоба, бодия ва бошқа хилмахил бадиий буюмлар тайёрлади.

«Шогирдсиз уста мевасиз дарахт» деб бежиз айтмаган. Устани Хоразмда сермева дарахтга ўхшатишади, чунки жуда кўп шогирдлар етиштириб чиқарди. Ўзбекистон халқ усталари бирлашмаси Раҳимберди Матжонов устахонасида ҳунармандчилик мактаби очтириб, у ерда ҳунармандчилик сирасрорларини ўргатди. Унинг шогирдлари Даврон Саъдуллаев, Амин Мирзаев, Марямжон Матжонова, Мукарамма Саъдуллаевалар ҳозир бадиий кулолчилик санъатини ривожлантиришда катта ҳисса қўшмоқдалар. Тарихий обидаларни таъмирлашда уста кулолнинг хизматлари катта. 1956 йили Хивадаги Паҳлавон Маҳмуд мақбарасини таъмирлашда қатнашди. У гумбазнинг пастки қисми учун қадимги услубда зангори рангда кошинлар тайёрлаб берган, улар ҳозирги кунда аввалгидек рангини йўқотмай турибди.

Кулол яна Кўҳна арк дарвозасининг икки минорасини ва бошқа меъморчилик ёдгорликларини таъмирлашда қатнашди.

1975 йили Халқ Хўжалиги ютуқлари кўргазмаси Бош комитети халқ устасини кумуш медаль билан тақдирлади. 1970 йилдан бери И Рассомлар уюшмасининг аъзоси Уста Раимберди Матжонов сеҳрли қўлларида сайқал топган бадиий кулолчилик буюмлари Республикамизнинг ва Иттифоқимизнинг турли шаҳарларида ҳам чет элларда масалан, Венгрия, Франция, Чехословакия, ҳиндистон, Италия, Монголия каби хорижий мамлакатларда намойиш этилиб фахрли ўринларни эгаллади. Унинг бодия, кўзача, чаноқ, кошин ва бошқалари Иттифоқимизнинг Москва, Ленинград, Тошкент, Хива шаҳарларидаги музейларда доимий экспозицияга айланиб қолган.

Ўзбекистон амалий санъатининг қадимий, шунингдек, бизнинг давримизгача ўзининг аниқ чегараланган мактаб ҳамда анъаналарини сақлаб келаётган турларидан бири бадиий кулолчилик ҳисобланади. Замонавий кулолчилик санъати XIX асрда тарихан шаклланган мактабларнинг анъанаси асосида ривожланиб келмоқди.

Маълумки, ўзбек кулолчилик санъати қадимий даврлардан шу кунгача кенг тарқалган ва аҳоли эҳтиёжларини қаноатлантириб келган, муҳим касб-ҳунар соҳасидир. Ўзбекистон жабҳасида қадимдан ҳар воҳанинг ҳунармандчилик марказларда халқ эҳтиёжи учун энг керакли сопол буюмлар ишлаб чиқарилган ва сотилган.

Ҳозирги вақтда бадиий безатиш услуби, пластик ва технологик хусусиятлари бўйича учта асосий кулолчилик мактабларига бўлиш мумкин: Фарғона бадиий кулолчилик мактаби (асосий марказлари – Риштон, Ғурумсарой); Бухоро – Самарқанд бадиий кулолчилик мактаби (асосий марказлари Мадир ва Каттабоғ қишлоқлари). Ҳар бир мактаб ўзининг ривожланиш ва ижодий тамойиллари, етакчи маркази ва усталари, бошқа

мактаблардан фарқловчи хусусиятлари доирасида фаолият кўрсатади ва асосий бадиий тамойиллари умумийлигини сақлаб келади.

Фарғона бадиий кулолчилик мактабининг асосий хусусиятлари унинг аҳоли этник такиби, жойланиши ва тарихийлик тамойиллари билан бевосита боғлиқдир.

Риштон – Фарғона мактабининг анъаналарини ўзида мужассамлаштирган энг ёрқин кулоллик марказидир. Кейинги 30 йил ичида (1970 йиллардан бошлаб) Риштон сополи анъанавий бадиий ва технологик усуллар асосида қайта тикланди. XIX аср охири - XX аср бошларида Риштон – Ўзбекистондаги сирланган сопол буюмлари ишланадиган энг машҳур ва қадимги марказлардан бири эди.

Ишқорли сир тайёрлаш ҳам йўлга қўйилди. Ҳозирги вақтда бу ерда сопол идишларнинг япалоқ (косалар, лаганлар) ва узун бўйли (кўзалар, хумлар) турлари ишлаб чиқарилмоқда. Илгари ишлар ихтисослашган тарзда бажариларди – япалоқ буюмларни, яъни япалоқ ва қисқа бўйли шакллар ясовчи усталар – косагар; баланд, бўйи чўзилган буюмларни ясовчи усталарни – кўзагар дейишган. Ҳозир бундай таснифлаш илгариги моҳиятини йўқотган; айрим усталар (И.Комилов, У.Ашурова, Х.Сатторов, К.Қосимов, М.Азизов, А. ва М.Тожалиевлар ва бошқалар) ҳам япалоқ, ҳам чўзинчоқ шаклли идишларни ясашади. Айни пайтда бир қатор кулоллар, асосан, ўрта ва ёш авлод вакиллари (Ш.Юсупов, А.Назиров, А.Исоқов, А.Усмонов, М.Саидов, Р.Усмонов ва бошқалар) кўпроқ япалоқ идишлар – лаганлар ясаш билан шуғулланишади. Риштон мактабида буюмлар шаклларининг ниҳоятда ранг-баранглиги кўзга ташланади. Бу ерда лаганларнинг ҳар хил турлари учрайди, косаларнинг турли вариантлари – коса, шокоса, қўшқулоқ, дон маҳсулотлари учун катта хумлар ишлаб чиқарилди. Бундай буюмларнинг ишлаб чиқарилиши кейинги 25-30 йил давомида қайта тикланди ва янада нафис кўринишларга эга бўлди.

Бухоро – Самарқанд кулоллик мактабининг ўзига хослиги технологик омил билан боғлиқдир. Идишларнинг жарангдор нафис бўлиб чиқишида қўрғошинли сир ва сарғиш-яшил, жигарранг бўёқлар муҳим ўрин эгалайди. Бухоро – Самарқанд бадиий кулолчилик марказлари услубининг ички омиллари кўпроқ "Афросиёб" сополи анъаналарига асосланади. Шу билан бирга идишларнинг шаклига кўра бу мактаб 1990 йилларда ўтган ўн йиллик анъаналарни ривожлантирди. Бухоро – Самарқанд кулолчилигида ўсимликсимон нақшли безак тури етакчилик қилади. Ҳандасавий нақшлар эса камдан-кам ҳолларда учрайди ва улар ҳандасавий-абстракт мазмунли нақшларда ўзини намоён этади. Сополларни безашда ҳайвон ва жониворларнинг тасвири ҳам кам ишлатилади. Улар асосан Ғиждувон кулолчилигида қўлланилади. Нақшларнинг ишлатилиш жараёни Бухоро – Самарқанд кулолчилик мактабининг турли гуруҳий хусусиятларида кузатилади. Ғиждувон Шаҳрисабз усталари асосан мўйқаламда нақшлар ишласалар, Ургут, Денов усталари чизма нақшларни кўп қўллайдилар.

Хоразм кулолчилик марказларида ясалган бадиий буюмлар ўзига хос бадиийлиги, безаклари ранги ва ишланиш услуби билан Ўзбекистоннинг бошқа мактаблари ишлаб чиқараётган буюмларидан ажралиб туради. Хоразмда чуқур сопол товоқ – бодия қадимдан сақланиб келаётган миллий шаклдир.

Хоразм кулолчилигида нақшларнинг турлари унчалик кўп эмас. Улар асосан, геометрик ва ўсимликсимон безакли нақшлардир. Баъзан ҳайвон ва жониворлар тасвири ҳам ишланади. Дарҳақиқат, бадиий буюмларнинг марказий қисмига геометрик арабеска гириҳ тушуриш Хоразм усталарининг ўзига хос услубларидан биридир. 1990 йилларда хоразм усталарининг ижодида қадимий ўсимликсимон нақшларни ўзлаштириш жараёни кучайиб боради. Айниқса, бу жараён Хоразм кулолчилик мактабининг йирик вакилларидан бири Р.Матчонов ижодиди намоён бўлади. Р.Матчонов (Модир маркази) кўпинча сопол буюмларига тўқ кўк

рангни ишлатади, шунинг учун ҳам унинг асраларининг аксариятида ҳаворанг-кўк ёки рангнинг ўзига хос тўқ туси устунлик қилади. С.Отажонов (Каттабоғ маркази) эса тўқ кўк рангни кам ишлатади, буюмларига кўпроқ оқ ангобдан фойдаланади, шунингдек бўёқ таркибига ун қўшилади. Шу билан бирга, бугунги кунда Хоразм кулолчилик мактабида давомийлик муаммоси биринчи ўринда турибди (яъни шогирдлик мактаблари муаммоси).

Тошкентлик кулол Н.Қўзиеванинг асарлари мўъжазгина ишланган. Улар ажойиб кичик муҳитга хислатга эга бўлиб, шинам ва ёрқиндир, гўё лирик куйлар йўғрилгандек туюлади. “Бухоролик қизлар” асарининг нафис ишланган бош қисми, ўзига хос коник шаклидаги “Шамчироқ” шулар жумласидандир. Ёқилган шамчироқнинг чақнаётган нурлари унча катта бўлмаган тешиклар орасидан таралиб туради. Бу ишнинг шакл-тамойили шарқ мунажжимининг бош кийимини, ёритиб турган деворлари эса тунги юлдузли осмонни эслатади. Шуни таъкидлаш жоизки, Н.Қўзиевининг охирги йилларда яратган ижодий намуналари (“Автопортрет”(2000), “Эркак ва аёл”, “Белгилар сеҳри”(2001)) мавзу қамровининг кенглиги, шакл-тамойилларидаги шартлилик, умумийлик хусусиятлари устун туриши, рангнинг мустақил ҳолдаги аҳамияти, шу билан бирга ижодгор танлаган лейтмотив турли талқинида давом этади.

Тошкент бадиий кулолчилик мактабининг йирик вакилларидан бири М.К.Рахимов ҳам ижодий ҳам илмий мактабини яратиб қолдирган усталаридан биридир. Унинг ўғли ва невaралари ҳозирда Тошкент кулолчилик мактабини давом эттириб бутун дунёга тинтиб келмоқда.

Кулол М.К.Рахимовнинг 1961 йилда “Ўзбекистонда бадиий керамикаси” деб номланган китоби хозиргача талаба, ўқувчи, ўқитувчи, олимлар, магистрант ва бошқалар учун зарур қўлланма сифатида фойдаланиб келинмоқда.

Китоб Ўзбекистондаги барча кулолчилик мактаблари, уларнинг намоёндалари, тарихи, миллий анъаналари, асбоб-ускуналар, асарларни бадиий таҳлили, нақш композицияларни ва унинг элементларни ўзига хос томонлари ҳамда кулолчилик буюмларини бажариш технологияси батофсил ёзилган. Ушбу китоб шунинг учун ҳам ноёб китоблар сарасига киради. Китобда бадиий кулолчилик фани ўқитиш методикаси бўйича тўхталиб ўтилмаган. Фақат санъатшунослик аспектда баён этилган.

Халқ амалий безак санъатининг тарихи, йўналишлари, соҳаларни ўрганишда педагог олим С.С.Булатовнинг илмий фаолияти ибратлидир. XX асрнинг охирги ўн йиллигида олимнинг халқ амалий безак санъатининг турли соҳаларга бағишланган йирик асарлари нашр эттирилди.

Ёшларни ҳалол меҳнат қилишга, уларни турли касб-хунар сирларини мукаммал эгаллашга ўргатиб борилиши халқимиз тараққиёти тарихида, хар хил даврларда мутафаккир олимлар, назариётчи ва амалиётчилар томонидан тадқиқ этилиб, фикр ва мулохазаларни ўз асарларида баён этганлар.

Хозирги даврда ижод этган ва ижод этиб келаётган олимларимиздан профессор С.С.Булатов ўзининг “Ўзбек халқ амалий безак санъати” номли ўқув методик қўлланмасида ўзбек халқ амалий безак санъатининг кенг тарқалган турлари, улар ҳақидаги илмий ва тарихий маълумотлар хақида амалий иш усулларини баён этган хамда бу санъат турларини ўрганиш ва ўргатишга доир назарий-методик йўл-йўриқлар берилган.

Муаллифнинг олиб борган кузатишлари ва тадқиқотлари асосида ганчкорлик, наққошлик, заргарлик, каштачилик, ёғоч, тош ва суяк ўймакорлиги, кулолчилик, пичоқчилик, кигиз босиш, саватчилик, бўйрачилик каби халқ амалий санъат турларининг тарихи, иш жараёнлари ва услублари, жихозлар, асбоб-ускуналар, хом-ашёлар, уларни тайёрлаш ва ишлатиш ранг-баранг тасвирий лавҳалар мисолида тадқиқ этилади.

Бу санъат турларини ўрганиш юзасидан машғулотларни ташкил этишга доир илмий методик тавсиялар, дастурлар берилган ҳамда халқ амалий

санъати воситасида ўқувчиларни бадиий эстетик тарбиялашнинг назарий ва амалий вазифалари баён этилади.

Наққошлик бўлимида нақш рамзий элементларни таблицаси берилган. Таблицада қуш, қуёш ва бошқалар рамзий ифодаланган. [2.2.]

С.С.Булатов ва Ў.Мансуровларнинг "Миллий меъморчиликда амалий санъат фалсафаси" номли монографияси амалий санъат фалсафаси соҳаси бўйича дастлабки монография бўлиб, амалий санъат турларида ишлатиладиган безаклардаги рамзийлик алифбоси илмий асослаб ишлаб чиқилган. Айниқса, Шердор мадрасаси, Кўкалдош мадрасаси безаклари улар томонидан хар томонлама асослаб берилган. [2.26.]

С.С.Булатов ва Н.Толиповларнинг "Гўзаллик фалсафаси" номли монографиясида маънавиятимиз хазинаси бўлмиш ўзбек ҳалқ амалий безак санъатидаги безаклар, шакл, ранг ва чизиқларни ўқишнинг рамзий алифбоси, бу безакларни ўқиш йўллари ҳамда ранглар орқали мантиқий ва фалсафий фикрлашнинг сир-асрорлари ҳақида қизиқарли маълумотлар берилган. [2.13.]

Нақш композицияси бўйича дастлабки китоблардан бири Ниғмонов Баҳромжон Абдувосиқ Хожи ўғлининг "Нақш композициялар тузиш" номли методик қўлланмаси ҳам талаба ва ўқувчилар учун зарур манбадир. Ушбу китобда композиция қонун-қоидалари, стилизация композициялардан жуда кўп намуналар берилган. Айниқса, композиция қоидаларини асослари берилган. [2.28.]

Қ.Қосимовнинг "Наққошлик" номли қўлланмасида наққошлик тўгараги ишини ташкил этиш ва ўтказишда амалий ёрдам берилади. Китобда методик тавсиялар ва иллюстрация материаллари ўқувчиларга наққошлик санъатининг жозибасини англатиш ва улардан ана шу санъат сирларини ўрганишга қизиқиш уйғотиш имконини беради.

Муаллифнинг ушбу китобида дастлабки рамзий нақш элементларининг биринчи бор таблицасини берган. Уларни рамзий ифодаланиши хақида

дастлабки қизиқарли маълумотлар берган. Лекин бу рамзий нақш элементларининг дастлабки тасвирий ифодаси эди. [2.22.]

А.Ҳаққуловнинг “Тамир санъти” номли китобида ғоят муҳим мавзу тарихий –маданий ёдгорликларни қадрлаш ва уларни келгуси авлодларга бекаму кўст етказиб бериш масаласи кўтарилади.

Китоб, асосан муаллифнинг таъмир соҳасида узоқ йиллар давомида олиб борган кузатишлари заминида туғилган мақолалардан тузилган. Бу мақолаларда Самарқанднинг қадимий ёдгорликларини тарихимизда тутган ўрни, таъмир санъатининг мураккаб муаммолари ҳақида қизиқарли ҳикоя қилинади. Бундан ташқари, мазкур тўпламда ўқувчи учун ибратли ва бевосита ёдгорликлар тақдири билан боғлиқ бўлган ривоятлар ҳам келтирилган. [2.25.]

Илмий таҳлиллар шундан далолат берадики, таълим-тарбия муассасаларида мутахассислар тайёрлашда “Бадиий кулолчилик” ўргатиш масаларлари тадқиқотчилар диққат марказидан четда қолган кўринади. Шу боис, ушбу муаммонинг ечимини топишни мақсад қилиб қўйиш лозим бўлади.

Шунингдек, таҳлиллардан шу нарса маълум бўлдики, педагогика олий ўқув юртларида “Бадиий кулолчилик” фани бўйича ҳам алоҳида илмий тадқиқот ишлари олиб борилмаётганлигидан далолат беради. Шу боис, у ҳозирги давр педагогикаси ва методикасининг долзарб услубий муаммолардан бири ҳисобланади.

## 1.2. Бадиий кулолчилик дарсларида талабаларнинг тасвирий фаолиятини шакллантиришда “Уста ва шогирд” анъаналаридан фойдаланишнинг ўзига хос томонлари

Ўзбекистон халқларинимг тарихи, қадриятлари, илм-фан, маданият дурдоналарини ҳар томонлама илмий ўрганиш ва таҳлил қилиш ғоят мухимдир. Республикамиз хукуматининг қатор хужжатлари Ватамимизнинг ҳар томонлама жаҳон андозалари асосида ривожланишига қаратилмоқда. Жумладан, ёшларга таълим-тарбия беришда маданиятимиз, қадриятларимиз, миллий санъатимиз намуналаридан. Ота-боболаримиз томонидан яратилган ва бутун жаҳонга машҳур бўлган ажойиб санъат намуналаридан кенг фойда- ланишга катта аҳамият берилмоқда. Шу маънода Республика хукумати томонидан халқ таълими тизимини тубдан ислох қилиш мақсадида 1997 йил «Таълим тўғрисидаги»-ги қонун ва «Қарорлар тайёр- лаш бўйича миллий дастур» қабул қилинди. Унда Ўзбекистон Республикисининг таълим соҳасидаги сиёсатини. Умуминсоний қадриятлар, жамиятнинг истиқболидаги ривожланишини ҳисобга олган ҳолда юргизилади»[1] дейилган.



Муҳит Раҳимов тайёрлаган сопол буюмлар.

[1] Қаранг: “Халқ таълими” журнали, 1992 йил, 10-12 сон. 1-бет.

Бизнинг илмий изланишларимиз шуни кўрсатадики. Қадимда аждодларимиз устоз-шогирд асосида ёшларга ҳунар ўргатиш бўйича бой тажрибага эгадир. Лёкин кейинги вақтларда аждодларимизнинг бой меъросидан ҳамда тажрибаларидан тўлиқ фойдалана олмаяпмиз. Бунинг сабабларидан бири устоз-шогирд анъаналарини чуқур ўрганмаганлигимиздир.

Аждодларимиз тажрибалари ёритилган адабиётларни ҳам етарли деб бўлмайди. Бундан ташқари аждодларимиз бой тажрибаларини ҳозирда ҳунар ўргатилаётган жойларда. Чунончи: ғояий ўқув юртлари, ўрта махсус касб-ҳунар таълим муассасаларида устоз ва шогирд асосида ўргатаётган устахоналарда. Қўшимча таълим муассасаларида устоз ва шогирд шарқона одоби тўлиқ ўргатилмаслиги ўқувчи ёшдлримизни ахлоқ одобига ва билим даражасига, умуман, улар маънавиятининг шаклламишига салбий таъсир этаётганлигининг гувоҳи бўламиз. Шунинг учун биз қуйида Марказий Осиёда устоз ва шогирд анъаналари асосида кадрлар тайёрлаш тарихи ҳақида фикр юритмоқчимиз.

Қадимда уста тайёрлашнинг ўзига хос миллий анъанавий асослари, урф-одатлари қонун-қоидалари, талаблари бўлган.

Халқ ҳунармандчилигида устозларнинг ўзига яраша икки фазилатлари яъни шахсий ва касбий фазилатларининг ўз мезони бўлган. Шу мезон асосида устага салбий ва ижобий баҳо берганлар. Шунинг учун ота ўз фарзандини якка шогирдликка беришда устанинг юқоридаги меҳмонга жавоб бера олиш даражасини атрофлича ўрганиб чиқади. Яъни «Ёмон устага берма шогирд этиб, бузар у бузуқ феълини ўргатиб», мақолига асосан яхши устага «Суяги бизники, эти сизники» деган анъана бўйича топширганлар.

“Болани уста олдига олиб бориш ўзига яраша тантана бўлган. Боланинг ота-онаси ва қариндош-уруғлари «бўй» деган бўғирсоқ ва ҳолвайтар қилиб, устанинг хузурига келганлар ва «боланинг гўшти сизники, суяги бизники», қабиладаги гаплар билан унинг ихтиёрига топширганлар. Келтирилган пишириқлар ўша пайтдаёқ биргаликда тановул этилган. Уста болага ҳунар

ўргатишдан ташқари бутун ўқиш давомида озиқ-овқат билан ҳам таъминлаб турган.

Иккала келишувчи томон орасида ёзма равишда шартнома бўлмаган. Касб ўргатиш тёкин бўлган».

Бунинг учун устоз шогирдига майда-чуйда уй ишларини буюрган. Кейин эса устага асбоб-ускуналарни олиб бериб туриш ёки хом-ашёни тайёрлаб туриш, кейинчалик эса эшик деразаларни, устунларни ўрнатишга ва нақшларни ўйишга ўргатган. Яъни болани яшаш билан бирга ҳунар сирларини оддийдан мураккабга қараб ўргатиб борган. 3-4 йиллардан сўнг яхши тажрибали шогирдга уста 15-20 кун мобайнида пул ишлаб келиши учун рухсат берган.



Риштонлик кулол И.Комилов

Шогирдга уста номини беришининг ўзига хос урф-одатлари бўлган. Бу тантанали кун шогирднинг ота-онаси уйида ёки устанинг уйида ўтказилган. Маросимга шогирднинг қариндошлари, устознинг

қўлида  ишлаётгам шогирдлар, усталар, муллалар қатнашган. Усталар каттаси оқсоқол ёки устакалон ёки унинг ёрдамчиси пойкор уста номини олаётган шогирднинг бошига салла ўрайди. Чопон кийгизиб белига қийиқча боғланади ва масалан, дурадгор ёки ёғоч ўймакор уста бўладиган бўлса белбоғига теша ёки арра қистириб қўйилади. Устачилик қонун қоидаларида тарихи ва дурадгорликнинг 12 қоидалари, инсонларга бўлган мухаббат, тартиб-интизом, ҳақгўйлик, ўз касбини юракдан яхши кўрадиган бўлиш ва бошқалар ўргатилади. Одатда, шогирдга тоза сув беришган ва ундан булгуси уста бир неча қултум ичган. Шундан сўнг эса шогирдни «уста» деган унвон билан атаганлар, усталар ва дўстлари уни табриклаганлар. Кейин катта уста дастурхондан «Нонни сухта» номли тандир нонни олиб ксчанинг сабабчи бўлган шогирдига қараб «қаерга борсанг ҳам ўзингни қилган кулчангми кўрсатгин» деб беради. Ёш уста нонни дастурхон устига қўяди.

Бундам урф-одатларнинг ҳар хил турлари бўлган. Баъзи урф-одат бўйича бўлгувчи устага бирор-бир уйин мустақил безашга топширганлар. У бўлажак уста ишни битказгандан сўнг усталар унинг қилган ишини тёкширадилар ва баҳо берадилар. Агар иш усталарга маъқул тушса, унда урф-одатлар бўйича шогирдга «уста» деган унвон берилган. Шундан сўнг ёш устага бошқа шаҳарга бориб мустақил ишлашга рухсат берилар эди. Ёки баъзи ёш усгалар “халифа”, яъни катта уста бошчилигида бирга ишлаб юрар эдилар.

Усталар цех тариқасида катта ва кичик дурадгорлик, қурилиш ишлари олиб бориб, улар таркибига қуйдагилар кирар эди. Бошлиқлар: оқсоқол, Қолиб, нажорбоши: уларнинг ўринбосари пойкор; катта усталар устоз калон; усталар; устага ёрдамчи усталар - халфа, нимшерик; шогирдлар ҳамда мулла ҳам бўлган.

Оқсоқолни тайинлашда шаҳардаги энг катта тажрибали усталардан сайлаган. Агар оқсоқол бирор нохақ иш қилса унда бирор масжидга пойкор,

яъни оқсоқол ёрдамчиси ва ҳамма усталарнинг йиғиб қайта оқсоқол сайланар эли. Бухорода эса оқсоқолни қайта сайлаш бошқачароқ эди. Усталар Бухоро хонига махсус ариза ёзар эдилар.

Бухорода XIX аср охири - XX аср бошларида дурадгорлар бошлиғи уста Ғулом, Ўратепада эса уста Карим Кажарбоши (усто Абду Карим Абдухолиқов) бўлган. Бу шаҳарларга хаттоки Ўрта Осиёнинг турли чёккаларидан усталар келиб ишлаганлар. Аксинча ўратепалик халқ усталарини юқори Зарафшон қишлоқларида масжид. Мадраса, турар жой биноларини: безаш учун таклиф этганлар. Улар наққошлик, ёҚоч ўймакорлиги, ганчкорлик ва бошқа ишларни бажарганлар.

Усталар уюшмасм баъзи турар жойларга усталарни ишлашга юборганлар. Уларга иш хақи тариқасида ишлаган жойларида кийимлар, қўй, сигир, эчки, ер ёки пул берар эдилар.

Усталар орасида ўзига хос мусобақа ҳам бўлган, уларнинг ишлари кўргазма қилиниб катта усталар орасида баҳоланган, Масалан, Ўратепада Кўк-Гумбаз маҳалласида Мавлоно Эшон мақбарасини икки ўйма эшигини бажариш усто Карим Ҳоррот ва Абду қодир Ҳорротларга топширилади. Улар биттадан эшикни ўйиб безатадилар ва уларнинг икки табақали икки эшиклари бир қанча катта усталар орасида баҳоланади. Уста Абдуқодирийнинг эшиги 70 олтин танга, Уста Каримнинг эшиги 100 олтин танга билан баҳоланади.

Усто Каримнинг эшиги юқори баҳоланишининг сабаби эшикнинг юқори ярим доира қисми умумий нақши композициясига яхши боғланган эди. Абдуқодир устанииг эшиги учли бўлиб, бино қурилиши композизиясига унчалик мос келмаган.

Баъзи усталар ўз ишига берилган баҳоларига келиша олмас эди, шунинг учун бу ҳолатда оқсоқол аралашиб ўртадаги келишмовчиликни ҳал қилиб берар эди.

1924 йилгача Ўрта Осиёда бошқа ҳунар турлари усталари каби зардўзлик ҳам жуда кўп бўлган. Чунончи, Бухорода 300дан 350 нафаргача

усталар ишлаган. Ҳунармадллар ўрта аср ҳунар ширкатлар кўринишидаги махсус ташкилотга уюшган эдилар. "Зардўзлик ишлари устидаи назорат ўрнатувчи бу ташкилот ўзининг сайловчи маъмуриятига эга бўлиб, барча расм-русмларга ва урф-одатларга изчил амал қилар, тантана ва йиғилишлар ўтказиб турар эдилар.

Булардан ташқари, у кўпроқ диний руҳдаги баъзи қоидалар мажмуасини ҳамда зардўзлик ҳунарининг келиб чиқиши ҳақидаги афсонавий ривоятларни ўз ичига олган, мазмун эътибори билан чех низомига ўхшаб кетадиган ўз рисоласига ҳам эга эди".[1]

Бухоро усталарининг зардўзлик касби отадан болага мерос бўлиб келган. Асли зардўз бўлган оиланинг ўғли фарзанди отасидан зардўзликни ўрганиб, ўз навбатида у ўз болаларига ўргатган. Пушти камаридан ўғли бўлмаган оталар бу касбни энг яқин қариндошларига ўргатганлар. Касбнинг авлоддан-авлодга мерос қолиши одатдаги ҳол бўлганига қарамай, зардўзлик ҳам бошқа касблар билан бир қатордан ўрин олган. Унинг таркибида биз мисгарликни ҳам, заргарликни ҳам, деҳқонларни кўришимиз мумкин. Зардўзлик касбини ўрганиш учун 10—12, айрим ҳоллардагина ундан каттароқ ёшдаги болаларни жалб этганлар. Касб ўргатиш тёкин олиб
борилган. Янги шогирдга чинакам таълим бериш ишларини уста бирданига бошлайвермаган. Дастлабки пайтларда шогирд уй юмушларига қарашган, устахонани супириб-сидирган, сув ташиган, бозор-учар қилган, тикувчиларга ёрдам берган. Орадан бир йил ё ундан сал кўпроқ муддат ўтгандагина унга

---

[1] Гончарова П.Л. Бухоро зардўзлик санъати. Тошкент, Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1986, 9-бет.

тикиш сирлари ўргатила бошлаган. Шогирдга маблағ тўлаш борасида маълум қоида бўлмаган, ҳунар ўргатиш муддати ҳам чёкланмаган. Таълим бериш 4 йилдан 7 йилгача давом этган, борди-ю шогирди ўта қобилиятли чиқиб қолса, бундай малакали ишчисидан махрум бўлишни истамаган устоз уни 8-10 йилгача ҳам сақлаган. Бундай пайтларда шогирд оқсоқолни ўртага солиб, устаси тезроқ

рухсат беришни сўраган. Борди-ю шогирднинг талаби ўринли бўлса, оқсоқол устадан шогирдига ё оқ фотиха беришни ёки бўлмаса меҳнатига ҳақ тўлаш лозимлигини айттан. Адбатта, шогирдга тўланадиган ҳақ халифаларга тўланадиган ҳақдан анча кам бўлган. Норозилик пайдо бўлмаслиги учун уста қисқа вақт ичида зардўзлик сирини пухта эгаллаган лаёқатли шогирдларига ахён-ахёнда четдан иш олишига монеълик қилмаган. Гап шундаки, тушган даромаднинг каттагина қисми устага, ундан ортгани шогирдга қолган. Таълим муддатини ўтаган шогирд устозидан оқ фотиҳа олган. Шогирднинг уйга қайтиши ўзи бир маросим бўлган. Бу маросим шогирднинг зиммасига тушиб, зардўзлик уюшмаси аъзолари иштирокида унинг уйида ўтказилган. Маросим кунида устозга бош-оёқ сарпо, тугун инъом қилинган. Бундай тугунлардан бобо, оқсоқол ва пойкор ҳам қуруқ қолдирилмаган, албатта. Баъзи ҳолларда бечорахол шогирдларини кузатар чоғида, уста уларга ишни осон бошлашлари учун керги (чамбарак), қайчи, тайёр гул сингари ашё ва буюмлардан - бериб юборган. Борди-ю, оқ фотиҳа олган шогирд иқтисодий жихатдан ночор бўлиб, мустақил иш бошлашга кўзи етмаса, устознинг уйида қолиб ишлашни сўраган. Бундай ҳолда унга халфа тарзида ишлаш хуқуқи берилиб, ҳар иккала томом ана шу шарт асосида иш хақини келишиб олган. Феодализм давридаги ҳар қандай ҳунармандчилик сингари зардўзлик ҳам муқаддас саналган, зардўзликнинг келиб чиқиши ҳам илоҳиёна: Хазрати Юсуф энг биринчи уста зардўз ва энг биринчи устоз, ғойибона хомий ва пир бўлмаган...

Бу ҳақда унча катта бўлмаган рисола мавжуд бўлиб, унда бу касбнинг келиб чиқиши, қоидалари, ҳар бир ишни бошлашдан олдин ўқиладиган дуолар берилган, зардўзлик касбининг хомийси «арвохи пир»га сиғиниш узоқ вақтгача қоида бўлиб келди. Илк баҳор кунларида, хусусан, «гули сурх» айёмида ҳамма зардўзлар Бухоро яқинидаги Баховуддин қишлоғига келиб, пирнинг ҳақига қўй сўйиб, худойи қилганлар. Уста зардўзларнинг айтишича, яқин-яқингача «пир-зода»лар бўлиб, уларни «рисола»чи дейишган. Хафтада

икки марта, якшанба ва пайшанба кунлари рисолачи барча зардўзлик устахоналарини айланиб чиққан ва одамларни тўплаб рисола ўқиган, ўқиганларини тафсивлаб берган. Одатда, қироатхонлик дастурхон атрофига давом этган. Қироатхон кейин рисолачи тингловчнлардан тушган унча-мунча назир-ниёзни белбоғига тукканда, фотиҳа ўқиб, навбатдаги устахонага йўл олган.

Ҳар бир ҳунар ҳам одатда авлоддан-авлодга ўтган, бегона болалардан эса ўта истеъдодли, шу ҳунарга меҳр қуйганларгина танлаб олинган. Чинакам ўймакор усталарни орзу қилган кишилар учун мадрасада ўқиган бўлиши, тарих, шеърият ва мусиқа сирларидан воқиф бўлиши, хатто мусиқа асбобларини бироз чала билиши шарт қилиб қўйилган. Айрим усталар шогирдлари учун махсус одоб талабларини ишлаб чиққанлар.

Масалан, улар шогирддан покизаликни, иш вақтида чалғимасликни, эгри ва номаъқўл ишларга яқин йўламасликни қатъий туриб талаб қилганлар. Шуларнинг ўзидаёқ халқимиз қадим-қадимдан амалий санъат турларини нечоғли ардоқлаганини, ганчкорлик санъатидёк машаққатли ҳунарни фақат энг муносиб ва фидойи кишиларгагина ишониб топширигаганини кўрсатади.

«Ёш Усмон уста Расулхожининг қўлида саккиз йил ишлади. Беш йилгача хафталик иш ҳақи ўн тийиндан ошмади. Ҳар пайшанба куни оқшом Расулхожи шогирднинг қўлига ўн тийин берар, Усмон пулини ола бозорга шошилар эди. Ўн тийинга ўнта — ўн иккита нон олиб, ўйига борганида онаси, икки синглисининг қувончи оламга сиғмас эди. Дамба- дам оладиган жума куни ҳам шогирдга тиним йўқ эди. Бу кун Усмон устасининг боғида ҳосилдан шохлар ларзон бўлган шафтоли, ўрикларни териб, қишга қоқи тайёрлар, токларни хомток қилар эди.

Одатда шогирд фақат уста буюрган ишни қилиши керак эди. Устадан берухсат шогирд бирон ишга ўринса ёки унинг асбобларига тегинса калтак ерди. Олтинчи йилга ўтганда Усмоннинг хафталик иш ҳақи эллик тийинга, саккизинчи йилга ўтганда эса кундалик иш ҳақи бир сўмга чиқди. Бу пайтда у

иморат ишидаги оддий чўпгарчиликдан тортиб, ғишт териш, сувоқ, ганч ўймакорлигини мустақил бажара оладиган бўлди.

Устаси уни бойларнинг иморатларида кунига икки сўмдан ишлатиб, бир сўмини ўзига олар эди. Нихоят саккиз йил деганда Усмон устаси, эндиги ибора билан айтганда, мураббийси Расулхожидан фотиха олиб, уста номига эга бўлади». Машҳур ганчкор уста Усмон Икромов ҳақида шундай хикоя қилинган.

"Устозга таъзим" китобидан (ҳунар) олинган ушбу парча илгари ҳунар ўрганиш нақадар машаққатли бўлганини, шогирд ўз устози томонидан минг бир чигирикка солинганини кўрсатади. Лёкин устозларнинг қаттиққўллиги бежиз эмас эди. Негаки, ҳар қандай ҳунармандчилик, хусусан, ганчкорлик кишидан ўта нозик дидли, сабр-тоқатли бўлишни тақозо этган.

Машҳур меъмор уста А.Ҳаққўлов ўзининг 'Таъмир санъати" китобида севимли устози Уста Шамсининг шогирдларига бўлган муносабати ҳақида шундай хотирлайди: "Ўсмирлик йилларимда, яъни халқ амалий санъатига меҳр қўйган дастлабки дамларимдан хурматли устозим ўзларининг яқин дўстлари, яъни падари бузрукворимдан мени шогирдликка сўраб, "келамсакда менинг меъморчилик асбобларимга сохиблик қилсин", деган эзгу истакларини билдирадилар. Шу кундан бошлаб меъморчиликнинг барча сиру-асрорларини ўргата бошлади. Уста Шамси ўта камтарин, оддий одам эди. Аммо шогирдларини жон-дилидан севар эди. Юрагидагини очиқ айтадиган бўлсак, у бор меҳри, билими ва ақли-заковатини шогирдларига бағишлар эди. Мен ана шундай зуккотаъб ва хушсухан иисон панохида камолга етганимдан ҳалигача фахрланаман. Ҳа, Давлат мукофоти лауреати, Меҳнат ордени соҳиби, Ўзбекистонда машҳур халқ устаси Уста Шамси халқ амалий санъатининг барча мураккаб жиҳатларини жуда чуқур билар эди. У шогирдларидан ҳам худди шуни талаб қилар, эринчоқ, ишга епгил-елпи қарайдиган, гўзалликни севмайдиган, тарихий обидаларга менсимай кўз ташлайдиган йигитларни жини сўймасди.

Мен бу камтарин инсоннинг ёқимтой, нуроний сиймосини, таъмирлашда у амалга оширган ишларни, шогирд тарбиялайдиган ғайрат-шижоатини бутун ҳаёлимда гавдалантирарканман, Уста Шамси Ғофуров келажак учун, гўзаллик ва эзгулик тақдири учун қанчалик қайғурганлигини яққол тушуниб турибман. Мен шогирд сифатида хамиша бу фидокор инсон олдида бурчлиман. Халқ маданий меросини асраб-авайлашга эътиборининг ошаётганини, Уста Шамси сингари халқ усталари анъаналарини кун сайин ривожлантиришини, шогирдлар тарбиялашда ғамхўрликни кўчайтиришни тақозо этади".

Шогирд, устоз деган номни олиш қийиндир. Бу шарафли номларни олиш ҳаммага ҳам насиб этмаган. Бу улуғ номларни олиш учун кун йиллар давомида мураккаб синовлардан ўтганлар. Улар қадимдан ҳар бир қилган иши учун боши билан жавоб берган. Чунончи, уста деган номни олиш осон эмаслиги қуйидаги ривоятда ўз аксини топган.

"Бир киши ўзини "уста" деб атагани учун Бухоро амири қаттиқ ғазабланибди.

Кўп ҳунармандлар орасида бу шараф камдан-кам одамга муяссар бўлган экан. Ғазабланган амир бу одамни зиндонга ташлашни, ҳунарини кўрсатиб, ўзини оқламагунча озод қилмасликни буюрибди. Унинг ҳеч қандай иш қуроли йўқ экан. Ҳамиша ёнида олиб юрадиган пичоғи билан бир кечада зиндон деворига шу қадар гўзал нақш чизибдики, бундай нақшни фақат эртак ёки тушда кўриш мумкин эди. У уста деган номини ана шундай оқлабди".

Ширин амакиси Уста қўлида ўн саккиз йил ишлайди. Ширин шундан сўнг шогирдликдан уста даражасига кўтарилади. Қобилиятли Ширин Муродовга амакиси Уста Ҳаёт бир неча биноларни безашни топширади. Ўша вақтда уста номини олиш жуда қийин эди. Чунки, шогирд уста бўлиши учун назарий ҳамда амалий ишларни пухта билиши, бир қанча усталар орасида фотиҳа олиши керак эди. Абдуқодир Бухородаги ҳамма ганчкор усталарга ганч сотадиган бойлардан бири бўлиб, у бир куни Уста Ҳаётни чақириб, янги уй

кўришини ва уни ганч ўймакорлиги билан безашини айтади. Уста Ҳаёт бу ишни 22 ёшли Ширинга топширади. Бу иш Шириннинг биринчи мустақил иши эди. Ширин аввал уйнинг планини тузади, кейин унинг яхши чиқишини кўзлаб ўзи яхши кўрган Бухородаги меъморий ёдгорликларини томоша қилиб, уларни синчковлик билан яхшилаб ўрганиб чиқади. Айниқса, бинонинг умумий кўриниши ва меҳмонхона безакларини оддий, бежирим, нисбатларини сақлаган ҳолда бир бутун кўриниши ва бошқаларни ҳисобга олади. Ширин меҳмонхона ва айвонларини шарафлар билан безайди. Ундаги ўйма ганчлар жуда майин, бежирим чиққанлиги сабабли усталар орасида хурмати ва обрўйи яна ҳам ошади. Уста Ҳаёт кунлардан бир кун Ширинни олдига чақириб мен сендан хурсандман, энди мустақил ишлайверсанг ҳам бўлади, дейди. Азалий одат бўлган, яъни 40-50 усталар, шогирдлар ўртасида уста номини беришади. Ўртага чақириб белига энг яхши ганч ўймакорлик асбобларидан шутургарданни қийиқчага қистириб қуйишади. Ширин Муродов ана шундан сўнг уста бўлади.

Қадимдан аждодларимиз уста ва шогирд анъаналари асосида ёшларга ҳунар ўргатиш бўйича бой тажрибага эга бўлганлар. Лёкин кейинги вақтларда аждодларимизнинг бой тажрибаларидан тўлиқ фойдалана олмаяпмиз. Бунинг сабабларидан бири уста ва шогирд анъаналарини чуқур илмий асосда ўрганмаганлигимиздандур.

Хулоса қилиб айтганда қуйидагиларни таъкидлаб ўтиш жоиз бўлади.

Уста ва шогирд асосида ёшларга ҳунар ўргатиш учун аждодларимиз тажрибасини юқори сифат даражасида ўрганишни ташкил қилиш лозим. Уста ва шогирд одоб мезонларини янада мукаммал ишлаб чиқиш керак. Шу мезонлар асосида мактабларда, мактабдан ташқари муассасаларда, лицей ва коллежларда, олий ўқув юртларидаги дастур, дарслик, ўқув ва методик қўлланмаларга уста ва шогирд одоби анъаналари мавзуларини киритиш ва уларни етарли даражада ёритиб бериш керак.

Касб-ҳунар коллежларида ва ҳунар ўргатилаётган олий ўқув юртларида махсус курслар ташкил этиш ва уларни ҳозирги энг илғор педагогик технологиялар асосида олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Олий ўқув юртларида ва касб-ҳунар коллежларида ўтилаётган таълим-тарбияга, ҳунарга оид дастур ва дарсликлар мазмунига "Устоз ва шогирд этикаси" бобини киритиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

# II – БОБ. Бадиий кулолчилик дарсларида талабаларнинг тасвирий фаолиятини шакллантириш методикаси

## 2.1. Бадиий кулолчилик дастурининг илмий амалий асослари .

“Кулолчилик” фанининг мақсади ва вазифалари.

Ўзбек халқи ўзининг қадимий ва бой маданияти билан бутун дунёга машхурдир. Ўзбекистоннинг қадимий ёдгорликлари ва тупроқ ости қисми улкан тарихий музейдир. Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Хива, Термиз ва

бошқа шаҳарлардаги ҳар бир архитёктура ёдгорлиги бир буюк асар, нодир қўлёзмалар, халқ амалий санъати намуналари бир вақтлари Ўзбек ҳалқининг маданияти нақадар юксак бўлганлигидан далолат беради. Чунончи ота-боболаримиз қурган бинолар, меъморчилик безаклари, уларнинг ранг-баранглиги, геометрик ва ўсимликсимон нақшлар, композиция тасвири каби барча обидаларимиз завқ олишга, эстетик тарбияланишига чорлайди. Улар орқали аждодларимиз ўз орзу-умидларини халққа изхор этишган. Асрлар давомида орттирган маданий бойлигимиз, халқ амалий санъатининг айрим турлари, уларнинг ўзига хос турлари ҳақиқий Ўзбекона номлари, ишлаш технологиялари ва уларни яратган усталаримизнинг номлари аста-сёкин унутилиб кетиш арафасида турибди. Шунинг учун халқимизнинг асрлар бўйи қилган ижодий меҳнати натижасида яратилган тарихий ёдгорликлар ва бошқа амалий санъатимиз обидаларини кўз қорачиғимиздёк сақлаш, қадрлаш ва улардан фойдаланиш хозирги давримизнинг энг мухим вазифаларидан биридир.

Кулолчилик фани талабаларни юқори билимли, малакали ўқитувчи бўлиб етишишида жуда катта роль ўйнайди. Кулолчилик курсида юксак бадиийлик миллий анъанани ривожлантиришга, ундан фойдаланиш, ундаги ижодий амалиёт услубларини жорий этиш, табиий материал билан ишлаш, талабаларда қунт ва чидам, қадрият, халқ амалий санъатининг қизиқарли, ўзига хос турларига жалб этиш мақсадга мувофиқдир. Ўрта аср кулолчилигини ўрганган талабалар анъанавий лаган, гулдон ва янги шаклли безак идишлар, портретлар, совға буюмлар яратадилар. Уларни безашда ўсимликсимон нақшлар билан бир қаторда хайвон шакллари ва ёзувли тасвирлардан моҳирона фойдаланадилар. Сопол материал ва бўёқларни ўрганиш йилидаги изланишлар самараси сифатида бир қатор асарлар майдонга келади.

## Кириш

“Бадиий кулолчилик” санъати фани бўйича маъруза ва амалий машғулотларда кўргазмали материаллар, яъни плакатлар, жадваллар, тарқатма материаллар, маълумотномалар, диафильмлар, кинофильмлар, видеофильмлар ва электрон версиялардан кенг фойдаланиш тавсия қилинади. Мазкур ўқув қўлланмалардан фойдаланиш талабаларга етказилган янги билимларни мустахкамлайди, билим доирасини, дунёқарашини кенгайтиради. Шунингдёк талабалар доимий равишда мустақил шуғулланиб боришлари талаб этилади.

## Ўқув фанининг мақсади ва вазифалари

Ўзбекистон Республикасида кадрлар тайёрлаш миллий дасутрининг мазмуни. Бадиий кулолчилик санъатини ўқитишда дидактик тамойиллари. Ўқув дарсларини ташкил этишнинг шакллари.

Ўрта Осиёда ва Ўзбекистонда кулолчилик санъатини ўқитилишининг назорат асослари. Умумтаълим мактабларида ва касб-ҳунар коллежларида “Бадиий кулолчилик” санъатини ўргатишда халқ педагогикасидан фойдаланиш. “Бадиий кулолчилик” санъатини ўқитишнинг психологик асослари. Дидактик тамойиллари ва улардан фойдаланиш. Ўқув моддий базаси. Тажрибали ўқитувчилар тажрибасини ўрганиш. Устоз ва шогирд анъаналари ва улардан фойдаланиш

“Бадиий кулолчилик” санъатини ўқитиш методикаси фанининг вазифасига қуйидагилар киради:

- “бадиий кулолчилик” санъатини ўқитиш методикаси тарихдан бошлаб дарсларни самарадорлигини оширишга бўлган назорат асосларини таништириш:
- “бадиий кулолчилик” санъатини ўқитишни назарияда ўрганган билимларини амалда бажаришни ўрганиш.

## 2. Фан бўйича талабаларнинг билимига, кўникма ва малакасига қўйиладиган талаблар

**“**Бадиий кулолчилик” фани бўйича талабалар қуйидаги билимларга эга бўлиши зарур.

- лицей, мактаб ва коллежларда бадиий кулолчилик санъатини ўқитиш методикаси ҳамда принциплари:
- Ўзбекистон Республикаси кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг мазмуни ва мақсади.
- “бадиий кулолчилик” санъати ўқитиш методикаси дарсларида дидактик принципларидан фойдаланиш.

Талабалар бу фан бўйича қуйидаги кўникмаларни ҳосил қилган бўлиши лозим:

- ўқув жараёнларини ташкил этиш;
- ўтилаётган мавзуни муаммоли ташкил этиш;
- илғор тажрибаларнинг методикаси;
- “бадиий кулолчилик” санъатини ўқитиш методлари;

Қуйидаги тажрибага эга бўлиши:

- ҳажмли буюмлардан иборат (турли намунавий кўргазмалар) намойиш қилиш методикаси.

## 3. Фаннинг бошқа фанлар билан боғлиқлиги

Кулолчилик–ганчкорлик, мисгарлик, ёғоч ўймакорлиги, кандакорлик, тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик ва бошқа фанлар учун назарий ва амалий пойдевор вазифасини ўтайди.

## 4. Фаннинг ҳажми ва мазмуни

Амалий санъатда асосий фан кулолчилик халқимизнинг миллий маънавияти сифатида бунёдкорлик айниқса, миллий меъморчиликнинг ажралмас қисмидир.

Тарихий ва бой анъаналарга суянган ҳолда халқ санъатини ривожлантириш ва уни давлат томонидан қўллаб-қувватланиши ҳамда, янги замонавий биноларни миллий руҳда бунёд этишда санъат мактабларини ўрганиш, машҳур халқ усталари ижодларини давом эттириш, изланиш ва ҳаётга тадбиқ этиш билан бадиий асарларни ишлаб чиқаришни ташкил этади. Шунинг учун ушбу фан асосий ихтисослик фани ҳисобланиб, ишлаб чиқариш тизимининг ажралмас бўғинидир.

### *4.1.Фаннинг ҳажми*

| *№* | *Машғулот тури* | *Ажратилган соат* | *Семестр* |
|---|---|---|---|
| *1* | *Назарий (лекция)* | *8* | *VI* |
| *2* | *Амалий машғулот* | *66* | *VI* |
| *3* | *Лаборатория машғулот* | | |
| *4* | *Семинар* | | |
| *5* | *Курс иши* | | |
| *6* | *Мустақил иш* | *49* | *VI* |

### *4.2. Назарий ва амалий машғулотлар мавзулари, мазмуни ва уларга ажратилган соат*

| **№** | **Мавзулар номи ва мазмуни** | **Жами** | **Маъру-за** | **Амалий машғулот** | **ЖН ЯН** | **Муста-қил иш** | **Ўтилади-ган вақти** |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **1.** | **Ўзбек халқ амалий санъати ҳақида маълумот бериш.** | **2** | **2** | | | | |
| **2.** | **Бадиий кулолчилик санъати ва унинг тарихий ривожи** | **2** | **2** | | | | |
| **3.** | **Техника хавфсизлиги, кулолчилик технологияси** | **2** | | **2** | | | |
| **4.** | **Бадиий кулолчиликда ишлатиладиган асбоб-** | **4** | | **4** | | **2** | |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | ускуналар ва лойни пишириш. | | | | | | |
| 5. | Кулолчилик лойидан аоса, пиёла, товоқ ясаш. | 4 | | 4 | | 2 | |
| 6. | Лойдан паррандалар шаклини ясаш | 4 | | 4 | | 2 | |
| 7. | Квадрат шаклига нақш элементларини тушириш | 4 | | 4 | | | |
| 8. | Чизма, ўйиш, рельеф усулида ишлаш. | 4 | | 4 | | 2 | |
| 9. | Ангоб ва рангли глазурлар орқали безаш | 6 | 2 | 4 | | 2 | |
| 10. | Думалоқ, тарелка ва лаганларга композициялар ишлаш. | 6 | 2 | 4 | | | |
| 11. | Оралиқ назорат | | | | | | |
| 12. | Композициянинг давоми | 4 | | 4 | | 2 | |
| 13. | Кичик ҳайвонлар шаклини ишлаш. | 4 | | 4 | | 2 | |
| 14. | Ўсимликсимон композиция тузиш | 4 | | 4 | | 2 | |
| 15. | Қуш ёки парранда шаклдан иборат композиция ишлаш. | 4 | | 4 | | 2 | |
| 16. | Шаклларга рангли безаклар бериш. | 4 | | 4 | | 2 | |
| 17. | Ангоблаш | 4 | | 4 | | | |
| 18. | Сирлаш | 4 | | 4 | | 2 | |
| 19. | Пишириш жараёни | 4 | | 4 | | 2 | |
| 20. | Тайёр маҳсулотлар кўриги. | 4 | | 4 | | | |
| | Жами: | 74 | 8 | 66 | | 49 | |

## Маъруза машғулотлар мавзулари мазмуни

1. Ўзбек халқ амалий санъати ҳақида маълумот бериш
2. Бадиий кулолчилик санъати, унинг тарихи ва ривожланиши
3. Маруза ва амалий машғулотлар мазмуни.

### Амалий машғулотлар мавзулари мазмуни

1. Техника хавсизлиги, кулолчилик технологияси.
2. Бадиий кулолчиликда ишлатиладиган асбоб-ускуналар ва лойни пишириш.
3. Кулолчилик лойидан коса, пиёла, товоқ ясаш.
4- мавзу. Лойдан паррандалар шаклини ясаш.
5. Квадрат шаклига нақш элементларини тушириш.
6. Чизма, ўйиш, рельеф усулида ишлаш.
7. Ангоб ва рангли глазурлар орқали безаш.
8. Тарелка ва лаганларга композициялар ишлаш.
9. Композициянинг давоми.
10. Кичик ҳайвонлар шаклини ишлаш.
11. Ўсимликсимон нақшлар иштирокида композиция тузиш.

### *5. Мустақил ишлар мавзулари мазмуни ва уларга ажратилган соатлар*

Мустақил таълим мавзуси талабалар мустақил ўрганадиган маъруза ва амалий машғулоти мавзуларидан иборат бўлади. Мустақил таълим талабаларнинг назарий билимларини мустаҳкамлашга, мавзуларни тушуниш қобилиятини максимал даражада ривожланишига, умумий дунёқарашини кенгайтиришга ёрдам беради. Мустақил таълимга ушбу фан бўйича 49 соат ажратилган.

### *6. Фанни ўқитиш жараёнини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар.*

“Бадиий кулолчилик” санъати фани бўйича маъруза ва амалий машғулотларда ҳар хил ўқув қўлланмалар (маълумотномалар, карточка – топшириқлар, плакатлар тузиш, техник воситаси, кўргазмалар)ни кенг қўллаш тавсия қилинади. Дарсликдан мустақил фойдаланиш малакали талаба учун ўқув жараёнини ажралмас қисми бўлиши шарт.

Ўқув жараёнини самарали ташкил қилиш учун таълимнинг анъанавий ва намунавий метод ва усулларидан, замонавий техника восталаридан ўринли фойдаланиш билан бир қаторда, ўқитишнинг илғор педагогик ва ахборот технологиялари, интерактив мулоқот ўқитувчи ва талабанинг биргаликдаги фаолияти, (ҳаракат тактикаси ва стратегияси), ўйинли бахс ва бошқа таълим технологиялари қўлланилади. Машғулотларни бу тазда ташкил қилиш талабаларнинг фанни ўзлаштиришга бўлган қизиқишларини орттириб, уларнинг билиш фаолиятини фаоллаштиради.

## *7. Тақвим мавзуий режа*
### *6-семестр*

| *№* | *Мавзу* | *Ажратилган соат* | *Дарс тури* | *Фанлараро ва фан ичидаги боғлиқлик* | *Фойдаланилган адабиётлар рўйхати* | *Мустақил иш топшириқлари* |
|---|---|---|---|---|---|---|
| ***1*** | ***2*** | ***3*** | ***4*** | ***5*** | ***6*** | ***7*** |
| **1** | Ўзбек халқ амалий санъати ҳақида маълумот бериш. | 2 | наз | “Амалий санъат ўқитиш методикаси”, “Наққошлик”, “Ганч ўймакорлиги”, “Ёғоч ўймакорлиги”. | 1. “Халқ бадиий ҳунармандчилик ва амалий санъатни янада ривожлантиришни ва давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 1997 йил 2 апрель. | Халқ амалий санъати турларидан бадиий кулолчиликнинг тарихини ўрганиш |
| **2** | Бадиий кулолчилик санъати ва унинг тарихий ривожи | 2 | наз | “Наққошлик”, “Ганч ўймакорлиги”, “Ёғоч ўймакорлиги”, “Композиция”, “Амалий санъат ўқитиш методикаси” | | Бадиий кулолчилик фани ва унинг усталари ҳақида маълумот тўплаш |
| **3** | Техника хавфсизлиги, кулолчилик технологияси | 2 | амал | “Наққошлик”, “Композиция”, “Материалшунослик” | | Асбоб-ускуналарни ишлатишнинг усуллари |
| **4** | Бадиий кулолчиликда | 4 | амал | “Ганч ўймакорлиги”, | | Асбоб-ускуналарни |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | ишлатиладиган асбоб-ускуналар ва лойни пишириш. | | | “Композиция”, “Материалшунослик” | 2. С.С. Булатов “Ўзбек халқ амалий безак санъати” Тошкент- “Меҳнат” 1991 | ишлатишнинг усуллари ва унинг турлари ҳақида маълумот тўплаш |
| **5** | Кулолчилик лойидан коса, пиёла, товоқ ясаш. | 4 | амал | “Ёғоч ўймакорлиги”, “Композиция”, “Материалшунослик” | | Мустақил композиция-лар яратиш |
| **6** | Лойдан паррандалар шаклини ясаш | 4 | амал | “Композиция”, “Материалшунослик” | | Мустақил композиция-лар яратиш |
| **7** | Квадрат шаклига нақш элементларини тушириш | 4 | амал | “Композиция”, “Материалшунослик” | 3. А.С.Ўролов “Мўжиза яратиш санъати”. Тошкент 1996 й. | Мустақил композиция-лар яратиш |
| **8** | Чизма, ўйиш, рельеф усулида ишлаш. | 4 | амал | “Композиция”, “Материалшунослик” | | Мустақил композиция-лар яратиш |
| **9** | Ангоб ва рангли глазурлар орқали безаш | 6 | наз | “Композиция”, “Материалшунослик” “Наққошлик”, “Ганч ўймакорлиги”, “Ёғоч ўймакорлиги”, | 4. С.С. Булатов, Турсуналиев Н., “Кулолчилик” санъати. 2002 й. | Ранглашнинг усуллари ҳақида маълумот тўплаш |
| **10** | Ликобча ва лаганларга композициялар ишлаш. | 6 | наз | “Наққошлик”, “Ганч ўймакорлиги”, “Ёғоч ўймакорлиги”, “Композиция”, “Амалий санъат ўқитиш методикаси” | 5. “SAN’AT” журналлари. 1999-2009 йиллар. | Мустақил композиция-лар яратиш |
| **11** | Оралиқ назорат | 2 | | | | |
| **12** | Композициянинг давоми | 4 | амал | “Наққошлик”, “Ганч ўймакорлиги”, “Ёғоч ўймакорлиги”, “Композиция” | | Мустақил композиция-лар яратиш |
| **13** | Кичик ҳайвонлар шаклини ишлаш. | 4 | амал | “Наққошлик”, “Ганч ўймакорлиги”, “Ёғоч ўймакорлиги”, | 6. С.С. Булатов, П.П.Шабаратов, Н.А.Мансуров Бадиий кулолчилик. Тошкент, 2008 й. | Ҳайвонлардан мустақил равишда композиция-лар яратиш |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | "Композиция" | 7. Л.Л. Ритжвеладзе "Бухоро очиқ осмон остидаги музей". Тўп. Т. Адабиёт ва санъат нашр. 1991 й. | |
| **14** | Ўсимликсимон композиция тузиш | 4 | амал | "Наққошлик", "Ганч ўймакорлиги", "Ёғоч ўймакорлиги", "Композиция" | | Мустақил равишда ўсимликсимонкомпозиция-лар яратиш |
| **15** | 2-3 та шаклдан иборат композиция ишлаш. | 4 | амал | "Наққошлик", "Ганч ўймакорлиги", "Ёғоч ўймакорлиги", "Композиция" | | Мустақил композиция-лар яратиш |
| **16** | Шаклларга безаклар бериш. | 4 | амал | "Наққошлик", "Ганч ўймакорлиги", "Ёғоч ўймакорлиги", "Композиция" | | Мустақил композиция-лар яратиш ва шаклларни безаклаш |
| **17** | Ангоблаш | 4 | амал | "Наққошлик", "Ганч ўймакорлиги", "Композиция" | | Мустақил равишда ўзи бажаришни ўрганиш |
| **18** | Сирлаш | 4 | амал | "Наққошлик", "Ганч ўймакорлиги", "Композиция" | | Мустақил равишда ўзи бажаришни ўрганиш |
| **19** | Пишириш жараёни | 4 | амал | "Наққошлик", "Ганч ўймакорлиги", "Композиция" | | Мустақил равишда ўзи бажаришни ўрганиш |
| **20** | Тайёр маҳсулотлар кўриги. | 4 | амал | "Наққошлик", "Ёғоч ўймакорлиги", "Композиция" | | Кўргазмалар ташкил қилиш |

## 8. Ўқув услубий адабиётлар ва электрон таълим ресурслари рўйхати

### Асосий адабиётлар

1. "Халқ бадиий ҳунармандчилик ва амалий санъатни янада ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора тадбирлари тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 1997 йил 2 апрель.

2. С.С. Булатов "Ўзбек халқ амалий безак санъати" Тошкент- "Меҳнат" 1991

3. А.С.Ўролов "Мўжиза яратиш санъати". Тошкент 1996 й.

4. С.С. Булатов, Турсуналиев Н., "Кулолчилик" санъати. 2002 й.

5. “SAN’AT” журналлари. 1999-2009 йиллар.

6. С.С. Булатов, П.П.Шабаратов, Н.А.Мансуров Бадиий кулолчилик. Тошкент, 2008 й.

**Қўшимча адабиётлар:**

1. Л.Л. Ритжвеладзе “Бухоро очиқ осмон остидаги музей”. Тўп. Т. Адабиёт ва санъат нашр. 1991 й.

2. www. n.b.g.t. intal. uz.

**Электрон таълим ресурслари**

1. **www. tdpu. uz**
2. **www. pedagog. uz**
3. **www. Ziyonet. uz**
4. **www. edu. uz**
5. **tdpu-INTRANET. Ped**

## 9. Дидактик воситалар

- жиҳозлар ва ускуналар, мосламалар: электрон доска-Hitachi, LСД-монитор,электрон кўрсатгич (указка).
- видео-аудио ускуналар: видео ва аудиомагнитофон, микрофон, колонкапар.
- компьютер ва мультимедиали воситалар: компьютер, Dell типидаги проёктор, DVD-дисковод, Web-камера, видео-кўз (глазок).

## 10. Баҳолаш мезонлари

| № | Кўрсаткичлар | Балл | Баҳо |
|---|---|---|---|
| 1. | Талаба бадиий кулолчилик фани бўйича амалий вазифаларни бажаришда хулоса ва қарор қабул қила олиши; композицияларни яратишда ва ашёларга бадиий ишлов беришда ижодий фикрлай олиши; нақш композицияларини чизиш, ранглаш ва пардозлашда мустақил мушоҳада юрита олиши; назарий олган билимларини амалда қўллай олиши; бадиий кулолчилик фанининг моҳиятини тушуниши, билиши ва айтиб бериши; бадиий кулолчилик фани бўйича тасаввурга эга бўлиши лозим. | 86-100 | аъло |

| | | | |
|---|---|---|---|
| **2.** | Композицияларини чизиш, ранглаш ва пардозлашда мустақил мушоҳада юрита олиши; назарий олган билимларини амалда қўллай олиши; бадиий кулолчилик фанининг моҳиятини тушуниши, билиши ва айтиб бериши; бадиий кулолчилик фани бўйича тасаввурга эга бўлиши лозим. | 71-85 | яхши |
| **3.** | Бадиий кулолчилик фанининг моҳиятини тушуниши, билиши ва айтиб бериши; бадиий кулолчилик бўйича тасаввурга эга бўлиши лозим. | 56-70 | қонақарли |
| **4.** | Аниқ тасаввурга эга бўлмаслик, билмаслик | 0-55 | қониқарсиз |

### 11. Рейтинг жадвали

Ж.Н максимал балл 85 Саралаш балл - 47
1- ЖН максимал балл -25 Саралаш балл – 14
2- ЖН максимал балл -30 Саралаш балл – 16
3- ЖН максимал балл - 30 Саралаш балл – 16
ЯН максимал балл – 15 Саралаш балл - 8

ЖН нинг 55% ни яъни 47 балл ва ундан юқори балл тўплаган талаба киритилади.

Талаба умумий тўплаган балл бўйича қуйидагича баҳоланади.
100 баллдан – 86 баллгача “5” баҳо
85 баллдан - 71 баллгача “4” баҳо
70 баллдан – 56 баллгача “3” баҳо
0 баллдан – 55 баллгача “2” баҳо

## 2.2. Бадиий кулолчиликка оид терминлар изохли луғатини ўргатиш орқали талабаларнинг тасвирий фаолиятини шакллантириш

Бадиий кулолчилик санъати бошқа фанлар каби ўзининг махсус атамаларига эга. Лекин бу санъат тури бўйича атамалар луғати яратилмаган., Ўзбекистонда минг-минглаб ёшларни бадиий кулолчилик санъати сирларини ўрганишда маълум қийинчиликлар туғдирмоқда.

Олий таълимни ислоҳ килишнинг асосий йўналишларида «Гўзаллик туйғусини ривожлантириш, соғлом бадиий дид фаросатни шакллантириш, санъат асарларини, жонажон она табиат гўзаллиги ва бойлшини тўғри тушуниш ва қадрлаш маҳоратини ривожлантириш зарур» дейилади. Дарҳақиқат, ҳозирги вактда изоҳли луғатларга бўлган эҳтиеж янада ошиб бормоқда. Талабаларни санъат сирларини ўрганишларида жуда кўп тушунчаларга ва атамаларга дуч келадиларки, бундай атамаларни ва тушунчаларни истаган вақтда тегишли адабиётлардан топиш қийин. Масалан, Ўзбекистон халқ рассоми Махмуд Усмоновнинг «Санъатим-саодатим» номли қизиқарли рисоласида бир қанча нақш атамалари, яъни: «ҳашти туфсор, сарниғон, туфсори қанот, турна қанот, хонаги бўртма, ҳашти давра, чорсар, давра юлдуз, шашдона, паррак, лола ислимий, бофта ислимий, эркин ислимий, турунж, банди румий, ислимий гулдона, ислимий мадоҳил, лўла ҳошия» ва бошқа атамалар берилган, лёкин бу атамаларнинг луғавий маъносини тегишли китоблардан топиш амримаҳол....

Ўзбек халқининг асрлар давомидаги ижодий меҳнати жараёнида яратилган терминологиянинг баъзи бирлари унутилиб бормоқда. Рисолаларни, мақолаларни, ҳужжатларни ва архив материалларини мутолаа қилар эканмиз, уларда кўплаб сўз ибораларимиз юз мақомга солиб ёзилаётганлигини ҳамда турли маъноларда қўлланилаётганини кўрамиз. Бундай ифодалардаги ҳар хилликка барҳам бериш мақсадида баъзи бир изланишлар олиб борилди. Чунончи биз талабаларга кулол усталар билан савол-жавоб қилганимизда улар кўпгина халқ амалий санъатида учрайдиган атамаларнинг аниқ луғавий маъносини айтиб бера олмадилар. Масалан, шундай атамалардан: морпеч, кундал, рута, мадохил, минқор, ислимий дурафтор, намоен ва бошқалар. Бу эса шуни

кўрсатадики, кулолчилик санъати атамалари илмий асосда жуда кам ўрганилган. Бу муаммони ҳал қилиш учун биринчидан жумҳуриятимиз газета ва журналларида «Халқ амалий безак санъатидан луғатингизни бойитингиз» деган рубрика очиш, иккинчидан, халқ амалий безак санъатига доир илмий асосланган изоҳли луғат яратиш мақсадга мувофиқдир.

Кулолчилик безак санъатидан терминлар изоҳли луғати тилларнинг мукаммал бўлишида, диалёктларга бой ўзбек халқининг маданияти, санъати, урф-одатини ўрганишда ва сақлаб қолишда шубҳасиз катта аҳамиятга эга.

Кулолчилик безак санъати сирларини чуқур ўргана олмаган киши ҳеч қачон шу ишни қиёмига етказиб амалга ошира олмайди. Яратилиши керак бўлган изоҳли луғат амалий безак санъатини ўрганаётган ёки ишлаётган ўқувчи, студент, ўқитувчи, тўгарак раҳбари, уста ва санъатшунослар столи устида туриши зарур.

Айниқса кулолчилик санъати дарсларида талабаларни тасвирий кўникма ва малакаларини шакллантиришда ҳар бир терминларни тўғри англаб тушуниш муҳум аҳамиятга эга.

Кулолчилик санъатига оид терминларни талабалар ўргатиш натижада ҳар бир фанни атрофлича ўрганади ва бажараётган амалий ва назарий ишларини самарадорлиги ошади. Шунингдек параллел холда талабаларни тасвирлаш фаолияти ошиб боради. Кулолчилик санъатига оид терминларни юқори даражада ўргатиш учун инновоцион технологиялардан фойдаланилари.

Анкета технологияси
Мавзу: Ўзбек ҳалқ амалий санъатига оид терминлар

| № | Терминлар | Амалий санъат турлари | | |
|---|---|---|---|---|
| | | зардўзлик | кулолчилик | ганчкорлик |
| 1 | Қизил кесак | | + | + |
| 2 | Қалайлисир. | | + | |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 3 | Гипс | | | + |
| 4 | Гилвата | | + | |
| 5 | Косагирхумдон | | + | |
| 6 | Қирма | | + | + |
| 7 | Лаган | | + | |
| 8 | Ироқи | + | | |
| 9 | Симдўзи | + | | |
| 10 | Коса | | + | |
| 11 | Ёруғ ўчок | | + | |
| 12 | Сидди | + | | |
| 13 | Чарх | | + | |
| 14 | Бахя | + | | |
| 15 | Бахмал | + | | |
| 16 | Ўрдак | | + | |

Масалан: Анкета технолигиясидан фойдаланиш дарсни қизиқарли ўтишга олиб келади.

Хулоса қилиб айтганда, пухта ишлаб чиқилган терминлар луғати ўзбек халқ амалий безак санъатини ривожлантиришда ва шу санъат сирларини ўрганаётган талабаларни ҳар томонлама тарбиялашда муҳим роль ўйнайди. Шу талабларни ҳисобга олиб кулолчилик санъатидан мазкур китобда учрайдиган баъзи бир терминлар луғатини тавсия этамиз.

**Ахроматик ранг** — грекча рангсиз деган маънони билдириб, улар бирбиридан қабул қиладиган ёки тарқатадиган ёруғлик кучи билан фарқ қилади. Масалан, оқ, кулранг, қора рангдан ёруғлик кучи билан фарқ қилади.

**Аноргул** — наққошликда, кулолчиликда ва бошқа халқ манзарали санъат турларида ишлатиладиган анор элементидан ташкил топган ўсимликсимон нақш. Аноргул қадимдан ишлатилиб келинаётган нақш тури бўлиб, кўпинча Фарғона нақш услубларида айниқса кўп ишлатилади. Бу нақш тури ҳаётдаги тўқчилик, тўкинсочинлик рамзи сифатида ифодаланади. Аноргул

композициясида анорни икки хил, яъни табиий ёки стиллаштирилган накш услубида тасвирлашади.

Бу накшда кўпинча анорнинг ички қисми ҳам қисман тасвирланади. Аноргул кулолчиликда, мисгарликда, каштачиликда, тўқимачиликда, наққошликда жуда кўп ишлатиладиган накш.

**Ангур** — узум хужумлари кўринишидаги накш тури. Ўсимликсимон накш турларидан бири бўлиб, зардўзликда жуда кўп ишлатилади.

**Гулдон** — гул солинадиган, лаби қайрилган бадиий идиш. Кўпинча наққошлар гул солинган тувакларни бадиий қилиб тасвирлайдилар. Усталар қадимдан турар жой ва зиёратхоналарнинг девор ва шифтларида гулдон шаклини тасвирлаганлар. Улар гулдонни Ғаройиб тасвирласаларда бироқ ҳаммавақт ва ҳамма жойда қулф уриб очилган дастагулни кўриб қувонамиз.

**Давраи ислими** — ўсимликсимон накш элементлари билан тўлдирилган айлана шаклидаги накш.

**Ёрқинлик контрасти** — ёрқинлик қарамақаршиликлари, рангининг ёрқинлиги, ёрқинликнинг ён-маён турган ранглар таъсирида ўзгариши.

**Ёрдамчи таноб** — накш композициясидаги иккинчи даражали чизиқ.

**Жингала** — дарахт шохчасининг маълум жингалак шаклидаги кўриниши. Ўсимликсимон накш элементи. Накш композициясида тўлдирувчи элемент вазифасини ўтайди. Наққошлар бу накш элементини тўкинсочинлик, бойлик ҳамиша ёшариб турувчи она табиат рамзи тариқасида қўллаб келганлар.

**Жингалак** — ўсимликсимон накш элементи, бу қалл накш композицияда тўлдирувчи элемент. Бу накш элементи қадим замонлардан бери ишлатилиб келинади.

**Жило** — ялтиратиш, жилва бериш, чуиончи ўйилган ганч рельефига пардоз бериш.

**Жийдагул** — жийда гулини стиллаштириб олинган тасвир, ислимий нақш элементи.

**Жомакор** — иш вақтида кийиладиган махсус кийим.

**Жўжа** — қизил гул (кесак), ганчкорликда рангли ганч тайёрлашда ишлатиладиган қизил кесак. Қизил рангни жўжа деб ҳам аталади.

**Илон изи** — тўлқинсимон ўсимликсимон нақш. Тошкентдан бошқа вилоятларда «ислими» нақш деб юритилади.

**Композиция** — лотинча сўздан олинган бўлиб, у тўқиш, бир-бирига маълум тартибда жойлаштириш, солиштириш ва бирлаштиришни англатади.

**Касб** — муайян билим ва маҳорат талаб этадиган меҳнат фаолиятининг тури. Унга умумий ёки махсус маълумот ҳамда амалий тажриба йўли билан эришилади. Масалан, ганчкорлик касби.

**Компановка** — чизилиши керак бўлган нақшни ёки бирор нарсани тўғри жойлаштиришдир.

**Лой** — ер жинсларининг чиришидан ҳосил бўлган тупроқнинг сув билан хамирга ўхшаш қоришмаси. Лой икки хил ёғли, ёғсиз бўлиб, ёғли лой намлашда шишади. Ёғсиз эса уни акси, бўшашиб тораяди. Лаганлар ўсимликсимон, геометрик ва рамзии нақшлар билан жуда чиройли.

**Ойгул** — бир неча япроқли мойчечак шаклидаги нақш элементи, унинг япроҚини сонига қараб уч япроқли, тўрт япроқли, беш япроқли ойгул ва ҳоказолар деб номланади. У ўсимлик нақш элементи бўлиб, усталар нақш композициялар тўқишда жуда кўп ишлатадилар. Ойгул наққошлар тасаввурида бахтиқбол рамзи тариқасида қўлланиб келинади.

**Рангларникг тенглашув қонуни** — тенглик, рангларни ўзаро мувофиқлашув қонуни, тўлдирувчи ва қарама-қарши ранглар мисолида кўриш мумкин.

**Рамзий нақш** — нишон, символик нақш. Нақшнинг бир гури. Бу нақш элементи ўроқ ва болға, юлдуз, буғдой ёки бирор шартли тасвирда ишланган бўлади. Тошпўлат Арслонқулов, Махмуд Усмонов ва бошқалар бу соҳада кўп ишлаганлар.

**Ранглар гормониясм** — рангларми бир-бирига мувофиқ тушиши.

**Ритм** — композициянинг энг кучли ва ҳарактерли асоси ҳисобланади. Ритм нақш элементининг маълум масофада бир тёкисда такрорланиб келиши, нақшдаги ҳаракатнинг узлуксиз ва гўзал кўринишини таъминлайди.

**Стилизация** — қайта ишлаш. Табиатдаги гул, новда, барг, қуш, ҳайвон, одам ва бошқаларни наққош томонидан қайта ишлаб тасвирланиши.

**Симметрия** — грёкча сўз бўлиб, мос деган маънони билдиради. Ўлчовларнинг бирбирига мослиги, генглиги, мутаносиб келиши демакдир. Симметриянинг бир қанча турлари бор.

**Совуқ ранглар** — юлузни, қорни, сувни эслатувчи ҳаворанг, зангори, кўкиш, яшил, тўқ бинафша каби ранглар.

**Симметрия ўқи** — тёкислик ёки фазодаги ўзаро симметрик жойлашган шаклларга нисбатан тенг узоқликдаги тўғри чизиқ.

**Смалта** — сопол, шиша ҳамда чинни буюмларни бўяшда ишлатиладиган оч қизил бўёғ. У шиша массага туз ёки турли металларнинг оксидларини қўшиш билан тайёрланади. Смалта мозаика тайёрлашда ҳам ишлатилади. Буюк рус олими М. В. Ломоносов рус смалтасининг асосчиларидан бири эди.

**Тақсим** - композициясининг такрорланувчи қисми ҳар хил бўлади. Чунончи учбурчак, тўртбурчак, квадрат ва ҳоказо. Доира ёки гумбазга мўлжалланган нақш тақсими композиция юзасининг тўртдан, олтидан, саккиздан, ўниккидан ва ҳоказо қисмларидан бирини ташкил этиб, тақсим доирада ёнма-ён такрорланади. Бундай тақсимни айланма тақсим деб аталади. Тўғри чизиқ бўйича такрорланса уни тўғри тақсим деб юритилади. Тўғри тақсим билан айланма тақсим такрорланса унда чапу рост тақсим деб аталади. Бундай тақсим жуда кенг тарқалган.

**Тупрок** — оддий тупроқ бўлиб, ганч ўймакорлигида ганч, алебастр ёки гипс билан аралаштириб қора сувоқда ишлатилади.

**Тавқ** — турунжнинг қуйи қисмида жойлашган нақш бўлаги.

**Тўғри тақсим** — тақсимни тўғри қайтарилиши бўлиб, нақшнинг бу тури тўлқинсимон банд асосида қурилади. Бунга рута, занжира ва бошқа нақшлар мисол бўла олади.

**Тарх** — арабча — лойиҳа, режа, чизма эскиздеворга, матога, ёғочга, ганчга, тошга, чатиб, тикиб, бўяб, тирнаб, ўйиб ва бошқа усулларда ишланадиган нақш ёки бирор тасвирни хомаки кўриниши, лойиҳаси. Чунончи наққош, ганчкор, рассом ва бошқалар уйнинг деворига ишламоқчи бўлган нақшни ёки тасвирни қоғозда чизади ва деворга шу асосида кўчирилади. Юксак тажрибакор усталар тархни бирданига деворнинг ўзига чизиб тайёрлашлари ҳам мумкин.

**Уста** — (форсча тож) бирор ҳунарни эгаллаб, шу соҳада малака орттирган шахс. Ўз ҳунарини яхши биладиган киши.

**Устакор** — устахонага бошчилик қилувчи энг малакали ва тажрибали уста. У одатда қушбеги томонидан сайланган. Устакор одатда тарҳкашлардан сайланган. Масалан, Бухорода сарой зардўзлиги устахонаси бўлган. Бу устахонага тажрибали уста бошчилик қилган.

**Устазода** — ота-бобосининг ҳунарини эгаллаган уста ганчларни ишлатганлар. Улар ховонданинг моҳирлик билан тайёрлашгани учун ганчкор ишлари бежирим, нафис ва гўзал чиққан. Усталар юқори қувватли ганчларни жуда кўп қорганлар, шунинг учун ҳам ганч қоришма шунча нафислашган, майинлашган, сёкин ва юмшоқ ҳолатда қотган ховондага аввал ва ҳозирда (баъзи) усталар ширач қўшиб ишлатадилар. Ширачни қўшилиши унинг қувватини оширган.

**Чоргул** — тўрт япроқли оддий гул. Ўсимликсимон накш элементи.

**Чарх** — ҳар хил асбоблар (пичоқ, болта, арра, қайчи) ни чархлаш учун ишлатилади, асбоб айланаетган тошга тегизиб ўткирланади. Усталаримиз уни яна чархдонлик, чархдор, чархдон, чархкаш, чархчи, чархлаш, чархпоя деб юритадилар,

чизмалар чизишда жуда кулай, унда сиёҳ қалам ёки тарғил қилиш мумкин. Оддий қалам йўғонлигидёк чўпнинг бир томонининг уч қисмини йўниб, диаметри 1 мм бўлган учлик таиёрланади.

супали жой.

**Шкифтлар** — новда танобларни боғловчи ўсимликсимон накш элементи.

**Шогирд** — бирор устани қўлида ҳунар ўрганувчи шахс.

**Шаблон** — намуна, штамп, трафарет. Бир шаклдан нарсалар тайёрлаш учун ясалган наллуна.

**Эпиграфика** — унвонли ёзув, наққошлар авлиёлар шарафига битилган ҳамду саноларни араб ёзувида, нақшга ўхшатиб тасвирлаган (ишланган) безак тури.

**Эскиз** — хомаки тасвир, қўл билан кўзда чамалаб, чизмачилик асбобларисиз тахминий ўлчамларда бажариладиган хомаки тасвир. Наққош, рассом, безакчи, ганчкор ва бошқалар бирор нарса ёки

уйни безашдан олдин хомаки тасвирни бажарадилар. Шу эскиз бўйича иш бажарилади. Лёкин иш жараёнида эскиздаги айрим нарсалар ўзгариши ҳам мумкин.

**Ўсимликсимон нақш** — баҳор, хонадонга бахт, сихат-саломатлик ҳамма вақт муҳаббат ҳукм суришини тараннум этади.

**Якрафтор ислими** — тўлқинсимон таноб ва гуллардан тузилган бир йўналишли ислими нақш крафтор ислими ҳошия нақш ҳисобланади.

**Қанотли** — офтоба, япалоқ қоринли чойдиш бўлиб, қанотли дейилишининг сабаби офтоба ёки чой идишни олд томонидан қаралса қанотини ёзаётган қушга ўхшаб кўринади.

**Қизил кесак** — тупроқни бир тури бўлиб рангли ганч ўймакорлигида бўёғ сифатида майдалаб ишлатилади. Чунончи рангли ганч тайёрлашда гул ганчга ёки тез ганчга майдалаб элакдан ўтказиб қўшилади. Аввал ганч ўймакорлигида ишлатилган ҳозир ҳар хил пигмент бўёғлар тайёрланади.

## 2.3. Бадиий кулолчилик дарсларида талабаларнинг тасвирий фаолиятини шакллантиришнинг янги педагогик технологиялардан фойдаланиш методикаси

Ҳамкорлик педагогикаси XX асрнинг 80-йилларида ривожлана бошлади ва таълимдаги кўпгина инновацион жараёнларни ҳаётга чорлади. Бу технология негизида таниқли рус ва чет эл педагогларининг тажрибаси ётади. Улар К.Д.Ушинский, Н.П.Пирогов, Л.Н,Толстой, Ж.Ж.Руссо, Я.Корчак, К.Роджерс, Э.Берн, С.Т.Шацкий, В.А.Сухомлинский ва бошқалардир.

Ҳамкорлик педагогикаси 4 та асосий йўналиш бўйича амалга оширилади:

- шахсга инсон, шахс сифатида ёндашув;
- диалектик фаоллаштирувчи ва ривожлантирувчи мажмуа;
- тарбия концепцияси;
- атроф – муҳитни таълим-тарбияга мослаш;

Ш.А.Амонашвилининг инсон-шахс технологияси. Шалва Александрович Амонашвили таниқли педагог олим ва амалиётчидир. У ўзининг экспериментал мактабида ҳамкорлик педагогикасини, шахсий ёндашувини, тил ва матемактика ўқитишнинг ажойиб методикасини ишлаб чиқди ва ҳаётга татбиқ этди.

Ш.А.Амонашвилининг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат:

- боланинг шахсий хислатларини намоён қилиш орқали унда олижаноб инсоннинг шаклланиши, ривожланиши ва тарбияланишига имкон туғдирмоқ;
- баланинг билишга бўлган кучларни ривожлантириш ва шакллантириш;
- кенг ва чуқур билим ҳамда малака олиш учун шароит туғдирмоқ;

- идеал тарбия – бу ўз-ўзини тарбияламоқ.

Ш.А.Амонашвили ўзининг технологиясини амалга ошириш учун қуйидаги методика ва методик усуллардан фойдаланди:

- инсонпарварлик;
- шахсий ёндашув;
- мулоқот маҳорати;
- оила педагогикасининг қўшимча имконияти;
- ўқув фаолияти.

Ш.А.Амонашвили технологиясида бола фаолиятини баҳолаш алоҳида аҳамиятга эга. Баҳолардан фойдаланиш ўта чекланган. Миқдорий баҳолашдан кўра сифатли баҳолашга урғу берилади, яъни тавсиф, натижлар пакети, ўз-ўзини баҳолаш.

**Ҳамкорликда ўқитиш технологиясининг кичик гуруҳларда ўқитиш методига асосланган маъруза машғулоти ишланмасининг лойиҳаси**

**Маъруза мавзуси:** Бадиий кулолчилик

**Маърузанинг таълимий мақсади:** Талабаларга Бадиий кулолчилик мактаблари ва уларнинг намоёндалари ҳақида маълумот бериш.

**Маърузанинг тарбиявий мақсади:** Талабни эстетик рухда тарбиялаш ва мустақил фикрлашга ўргатиш.

**Маърузанинг ривожлантирувчи мақсади:** Талабларни билимини ривожлантирш

**Маърузани жиҳозлаш:** слайд, электрон версиялар кўргазмали воситалар

**Маърузада фойдаланиладиган технология:** Интерфаол ва ақлий хужум, муаммоли методлар.

**Маърузанинг бориши:** 1. Ташкилий қисм

2. Ўтган мавзу юзасидан талабаларнинг билимларини назорат қилиш ва баҳолаш. (Кейс, Кластер, Венн диаграммаси)

Бадиий кулолчилик дарсларида талабларнинг тасвирий фаолиятини шакллантиришнинг янги педагогик технологиялардан методикасини ишлаб чиқишдан аввалом бор бадиий кулолчилик дарсларида тасвирий фаолиятини шакллантиришмодели тузилади.

Чизмада талабаларда тасвирий фаолиятини шакллантириш воситалари, шакли ва методи аниқлаб олинади кўрсатилган тизим асосида талабаларни тасвирий фаолияти оширилади. Уларни тасвирий фаолияти оширилганлик даражасини мезони асосида аниқланади.




1-чизма. Бадиий кулолчилик дарсларида тасвирий фаолиятини шакллантириш

## Мавзу: Бадиий кулолчиликда ишлатиладиган нақшлар.

Дарснинг мақсади:

**1.Таълимий мақсади:** Талабаларга кулолчиликда ишлатиладиган нақш турларини ўргатиш.

**2.Тарбиявий мақсади:** Талабаларга кулолчиликда ишлатиладиган нақш турлари ва уларнинг рамзий маъноларини ўргатиш орқали эстетик, аҳлоқий тарбиялаш.

**<u>3. Ривожлантирувчи мақсади:</u>** Талабаларда миллий нақш турларини ва миллий рамзларга оид билимларини ривожлантириш ҳамда фалсафий фикрлашини шакиллантириш.

***Дарснинг услуби:***

1. Маъруза.
2. Савол – жавоблар.
3. Мисоллар.
4. Тест ечиш.

**5. Шакллари:** жамоа бўлиб ва якка тартибда.

**6.Ўқув воситалари:** Электрон кўргазмали қуроллар, тарқатма материаллар.

**7. Кўникмалар:** Нақш ва уни турлари ва уларни рамзий маъноларини билиш кўникмасини шакллантириш.

**8. Назорат:** Оғзаки (тест савол - жавоб)

**9. Дарсни олиб бориш учун ўқитувчи учун керакли материаллар:**

1. Рамзийликка оид электрон кўргазма қуроллар ва плакатлар.

**10. Талаба учун:** Дафтар, қалам ва ручка.

**11. Фанлараро боғлиқлик:**

1. Геометрия фани билан боғлиқлиги. Геометрия шаклларининг кўриниши.

2. Биология ва зоология фанлари билан боғлиқлиги. Қуш, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси, уларнинг тузилиши ва ранглари.

**Дарс мазмуни:** Бадиий кулолчиликда ишлатиладиган нақшларНақш ва унинг тарихи. Нақш турлари ва уларнинг тузилиши. Рамзий нақш элементлар. Наққошларнинг асарларини бадиий таҳлил қилишга ўргатиш.

**Дарснинг бориши:**

Нақшлар буюмга, деворга ёки бирор жойни безамасин ўзига хос услубига, технологиясига ва мазмунига эга бўлади.

Нақшнинг ўзи нима? Унинг қандай турлари бор? Нақш тили деганда нимани тушунасиз?

Нақш - арабча тасвир, гул деган маънони англатади. Қуш, ҳайвон, ўсимлик, геометрик ва бошқа элементларни маълум тартибда такрорланишдан ҳосил қилинган безакдир. Ганчкорлик, кандакорлик, каштадўзликда, зардўзлик, кулолчилик, заргарлик, гилам тўқиш, ёғоч ўймакорлик ва ҳоказоларда ҳар хил йўллар билан нақшлар ишланади. Маслан: ўйиб, чизиб, чок ёрдамида, зарб билан қадаб ва бошқа усулларда нақш солинади.

Ганч ўймакорлигида ишлатиладиган нақшлар мазмунига кўра- ўсимликсимон, геометрик, гулли гириҳ, рамзий ва бошқа турларга бўлинади.

Ўсимликсимон нақш: табиатдаги барг, банд, дарахт, бута, ғунча ва бошқа нарсаларни наққош томонидан стиллаштириб олинган шаклини маълум қонуниятлар асосида такрорланишидан ҳосил қилинган. (1-расм).

Геометрик нақш турларидан бири гириҳ бўлиб чигал, тугун маънони англатади. Хандасий нақш мураккаб нақш тури.  Геометрик нақш мураккаб нақшдан бири бўлиб тўртбурчак, учбурчак, айлана ва ёйлардан кўпбурчаклардан иборат бўлади. Тузилиши жиҳатидан тўғри чизиқ ва аралаш чизиқлардан ташкил топган гирихга бўлинади. Геометрик нақш узлуксиз раппортлардан ташкил топган бўлиб, ҳар бир раппорт ўз тузилишига эга бўлади. Европада арабеска деб юритилади.

Гулли гириҳ: ўсимлик ва геометрик нақш элементларидан ташкил топган. Унинг элементига юқорида санаб ўтилган геометрик ва ўсимликсимон нақшлар киради.




1-расм Кластер усулида нақш элементларини турлари.

**ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:**

***Нақш***

Ўсимликсимон нақш

Рамз

Стилизация

Гулли гириҳ

Гириҳ




Ўзбекистон вилоятлари кулолчилик идишлари учун ишлатиладиган
оддий геометрик шакллар.

1-хат, 2-қўшхат, 3-сехат, 4-чорхат, 5-хатти кесма, 6-хатти нахўди зулма, 7-се илон изи, 8-қўш илон изи, 9-илон изи, 10-эгри хат, 11-ду эгри хат, 12-се эгри хат, 13—16-бир тортар, 17-харсанг тош, 18-камар, 19-20-жибилажибон, 21-чумчуққанот, 22-роҳи занжира, 23-четан, 24-туморча занжира, 25-дандана, 26-таги ҳошия, 27-хатти жингалик, 28-қарғатирноқ, 29-тумори роҳ, 30-гули муғилон, 31-қўштирноқ, 32-барги, самбит, 33-зулма занжира, 34-қанот занжира, 35-туморча занжира, 36-кариз занжира, 37-зулук занжира, 38-нақши бўстони.




Ўзбекистоннинг барча вилоятларида ишлатиладиган хошия нақшлар. 1-дондана, 2-ошиқ занжира, 3-яктарафа занжира, 4-занжираи рафтор, 5-6-жингалак занжира, 7-8-печалак, 9-мадохилча, 10-оби рахмат, 11-занжираи чашма, 12-ғалвирак ҳошия, 13-тиканак, 14-четанбўйруги занжира, 15-нохоти туморча, 16-зажираи вов, 17-гилос барг, 18- ҳалқа занжира, 19-хавзаги занжира, 20-эгар занжира.



Кулолчилик идишларларини ўртасини безашда
ишлатиладиган нақшлар. (Риштон).

1-корди калон, 2-корди муза, 3-корди балиқ, 4-5-ошпичоқ, 6-корди ток, 7-қайрилма корд, 8-корди ханжар, 9-корди исфахон, 10-корди найза, 11-корди ош, 12-корди арра, 13-корди навда, 14-пичоқ қини, 15-чўян обдаста, 16-офтаба қумғон, 17-18-чойдиш, 19-сарқумғон, 20-қумғон чойдиш, 21-қумғон, 22-қумғонча чойдиш, 23-човгун, 24-офтоба, 25-чойдиш, 26-қубба чойдиш, 27-чойгул, 28-кунгира чойдиш.



1-гули шам, 2-меҳробгул, 3-меҳроби морғули, 4-меҳроби харрож, 5-мораги меҳроб, 6-мадохили меҳроб, 7-меҳроби понис, 8-меҳроби харрож, 9-барги чоркунжаи терма, 10-накши беҳи куза, 11-чор чўп, 12-ой меҳроб, 13-меҳроби асмбутгул, 14-чироғи меҳроб, 15-барги мушк 16-17-мадохили харрож, 18-чироғи меҳроб, 19-гули меҳроби писта бодом, 20-барги мадоҳил, 21-чорбарги бед, 22-чорбарги харрож, 23-мадохили бодом.

## С А В О Л Л А Р

1. Нақш нима ўзи?
2. Нақшнинг қандай турлари бор?
3. Нақш турлари қайси томонлари билан фарқ қилади?
4. Рамз нима ўзи?
5. Нақш тили деганда нимани тушунасиз?
6. Қайси нақш элементларининг рамзий маъноларини биласиз?
7. Чумоли, қуёш, қизил ранг нима рамзий маъноларни билдиради.

**УЙГА ВАЗИФА:**

1. Нақш ва унинг турларига оид адабиётларини ўқиш.

2. Рамзийликка оид қўшимча материаллар олиб келиш.

3. Рамзийликка оид тест саволларини тузиб келиш ва бошқалар.

## Бадиий кулолчиликда ишлатиладиган асбоб-ускуналар ва лойни пишириш.

Асбоб-ускуналарни озода тутиш ва keракли жойда сақлаш. Шахсий гигиена. Хавфсизлик техникасининг асосида қоидалари ва инструкциялари, шикастланишнинг асосий сабаблари ва олдини олиш йўллари. Бахтсиз ходиса содир бўлганда биринчи ёрдам кўрсатиш. Дори қути. Ёнғин ва унинг олдини олиш. Ҳар бир ижодкорнинг руҳий холати, ўзи бажараётган буюмида ўз аксини топмасдан қолмайди. Киши руҳиятини кўтаришда эса хонанинг озодалиги, жиҳозларнинг қулайлиги музим роль ўйнайди. Кулолчилик хонасини жиҳозлашда ҳайкалтарошлик хоналарини жиҳозлашнинг умумий қоидаларидан келиб чиққан холда жиҳозлаш қисман бўлсада фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Ҳар бир асбоб–ускуналар, хом–ашёлар, кўргазмали қуроллар, талабаларнинг тайёр ишлари, дастгоҳлар, электропечлар тартиби билан ўз жойига қўйилмоғи лозим. Кулолчилик устахонасида бевосита талабанинг фойдаланадиган майдони 50-55 $м^2$ бўлса, ҳар бир талабанинг иш ўрни бир–биридан 60 см, қаторлар орасида 1 м дан узоқликда бўлса, ҳаракатланиш қулай бўлади. Устахонага табиий ёруғлик тушишини таъминлаш, бунинг иложи бўлмаса, кундузги ёруғлик лампалари билан таъминлаш керак. Кулолчилик асарини ясаш учун талабадан мохир мусаввирликни, наққошликни, ҳайкалтарошликни талаб этади. Ҳар бир асбоб ускунани ёки дастгоҳи, электропечни, хумдонларни ишлатишнинг қонун–қоидалари мавжуд. Талабанинг бу технология билан танишмагани турли бахтсиз ходисаларни келиб чиқишига сабаб бўлади. Ишлашдан олдин албатта махсус иш кийимини кийиб олиш зарур. Хумдонда сопол буюмлар пиширишдан олдин хумдон атрофидаги буюмлар кўздан кечирилади. Ёнғиндан сақлаш чоралари кўриб чиқилади. Электроиситгичларда ишлаганда уни иситишдан олдин барча симлар, узелларнинг бутунлиги кўздан кечирилади. Агар баъзи симлар изоляцияси очилиб қолган бўлса, электропечларни ишлатишга рухсат этилмайди. Топилган камчиликлар

тузатилгандан сўнг ишлашга рухсат берилади. Электропеч ишлатилиб, унга буюмлар қўйилиб, эшиклари ёпилгач унинг иссиқлиги аста-сёкинлик билан кўтарилиб боради. Бу вақтда печнинг эшигини ҳохлаган вақтда қайта-қайта очиш тақиқланади. Печ ва буюмлар маълум муддатда совигандан кейин олиниши мумкин. Агар сопол буюм тўғри технология асосида ясалган бўлса, у ёрилмай чиқади. Дастгоҳда ва хумдонда ишлаш учун мавжуд қоидаларни ўзлаштирган ва уларга тўлиқ риоя қиладиган талабаларнигина махсус дафтарга имзо чёккандан кейин рухсат этилади.Ўрта Осиё худудида ўрта аср ҳунармандчилик уюшмаларининг тузилмаси, ҳунармандчилик устахоналари жамоаси намояндаларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ва уста-шогирд ўзаро муносабатлари, “Оқ йўл” фотихаси, “Арвохи пир”, “Камар баста” ва шу каби устачиликка бағишланган маросимлар тўҚрисида батафсил тўхталиб ўтамиз.

Марказий Осиёда ўрта аср давлатларида ҳунармандчилик уюшмаларининг таркибий тузилмаси қуийдагича бўлган: ҳунармандчилик уюшмасининг рахбари *бобо* деб аталиб, у ўзида авлоди пирни, яъни зунар хомийсини хислат ва фазилатларини мужассамлаштирган. Бобо уста хона кенгашида бошчилик қилган, шогирдларнинг устачиликка бағишланган барча тадбирларни ўтказган. Уста оиласига ташқаридан бирор кимсанинг кириб келиши зам бобонинг фикр-мулохазалари ва кўрсатмалари остида бўлган. Бобо устахонани бошқарган, барча ишга таалуқли ва оилавий муаммоларни зал қилган. Баъзи бир шазарларда затто шазар зокимлари олдида зам бобо катта обрў-эътиборга эга бўлган. Ушбу лавозимга усталар орасидан билимдон, тажрибаси катта, инсофли-диёнатли одам сайланган. Ушбу лавозимга умирбод сайланилмаган ва агар устахона азли ўз разбарининг фаолиятидан нарози бўлса, у золда кенгашилиб у ўз лавозимидан четлаштирилиши мумкин бўлган.

Бобо ихтиёрида уста *оқсоқоллар кенгаши* фаолият кўрсатган.

Кенгаш аъзолари шогирдга мустақил фаолият кўрсатиш учун бериладиган ижозат тадбирларида қатнашганлар, устахонанинг умумий ишларида

иштирок қилганлар ва зарур бўлган золларда жиддий муаммоларни зал қилиш учун таклиф қилганлар.

Йирик устахоналар бобонинг ёрдамчилари - *оқсоқол ва пайкорлар* деб аталган. Оқсоқол кёксалар орасидан сайланган. У бозорни идора қилган, солиқ йиғишда қатнашган, мазсулот сифатини назорат қилган, мазсулотнинг барқарор базосини аниқлаган. Унинг иштирокида усталарнинг буюртмачи билан шартномалари тузилган.

Пайкорларни эса эътиқодли ёшлар орасидан бобо сайлаган. Улар югурдак вазифасини бажарганлар, яъни улар ёлланган ҳунармандларни керак бўлган устахоналарга олиб бориш, усталарга буюртмалар қидириб топиш ва шу каби ишларни бажарганлар.

Ўрта Осиёнинг баъзи бир шазарларида устахона жамоасида оқсоқол ва пайкорларга нисбатан мавқеи нисбатан пастроқ бўлган шахслар *халфа* – уста деб аталиб, улар ўз ишлаб чиқариш воситаларига эга бўлмаган. “Уста” унвонини олишга бағишланган маросимидан ўтган шогирд халфа бўла олган, устахонанинг тўла зуқуқли аъзоси бўлиб, ўзининг хусусий устахонасини очиш учун маблағи бўлмаганлиги сабабли бошқа устага ёки устахона эгасига ёлланган.

Кўпинча ташқаридан келган шогирдлар халфа бўлишган. Халфа тушунчаси малакасининг қай даражадалигидан қатъий назар, устахонанинг тўлақонли аъзоси бўлмай, ёрдамчи маъносини англатган. Халфа бобонинг тўлиқ қаромоғида бўлган. Агар халфа бошқа жойдан келган бўлса, у хатто бобонинг уйида яшаган.

Хусусий устахона очиш учун ўз маблаҚига эга бўлган шогирдлар, “уста” номини олишга бағишланиш маросимидан сўнг устахонасини очиш зуқуқига эга бўлганлар. Янги устахона очилишида *устакор* ўз устахонасининг кёкса усталарини чақириб, қурбонлик зиёфатини уюштириши лозим бўлган. Шундан кейингина у ушбу устахонанинг тўла қонли эгаси сифатида мустақил фаолият кўрсатиш зуқуқига эга бўлган.

Лёкин у тажрибали устанинг тегишли маслахатидан кейингина шогирдлар олиш зуқуқига эга бўлган. Бунда у рисолада баён қилинган талабларга мувофиқ, таълимни шундай ташкил қилиши лозим бўлганки, унинг шогирдлари “уста” бўлиб етишганларидан сўнг, устахонани жиҳозлай олишлари ва унга эгалик қила олишлари ва замда кейинчалик ўзлари зам ёрдамчи, шогирд тута олишлари, мустақил хунармандчилик билан шуҚуллана олишлари мумкин бўлган.

Одатда устанинг ўз ўғиллари ва укалари, ёки қариндош-уруғлари оилаларидан ўспиринлар шогирдликка олинган. Уларни *устазода* деб, яъни устадан туғилган деб, ташқаридан ўқишга келганларни эса *шогирд* деб аташган. Шогирдлар устахона анъаналарга ва кўрсатмаларига тўлиқ риоя қилишлари шарт зисобланган.

Устахона жамоасининг таркиби билан танишиб чиқилгандан сўнг, машғулотнинг қолган қисмини устахона анъаналари ва кўрсатмаларига бағишлаш лозим. Бу масалани ёритиб беришда шуни алохида таъкидлаш лозимки, Ўрта Осиё хунармандлари *касаба* (арабча-орттирмоқ, эга бўлмоқ, ишлаб топмоқ) деб номланган хунармандчилик уюшмаларига бирлашганлар. Ана шундан зозирги хунармандларнинг – *косиб* деб номланиши келиб чиққан. *Касаба* деб – *муайян бир турдаги касб бўйича хунармандларнинг уюшмаси* тушунилган.

Маълум бир турдаги хунармандчилик бўйича усталарни ўзаро бирлаштирувчи устахона уюшмасининг асосий мақсади ўз созаси бўйича монополияни қатъий сақлаб қолиш, устахонага четдан ишчи қабул қилиш тартиби, ундаги мезнат интизоми, ишлаб чиқариш технологияси сирларини сақлаш кабилар зисобланган.

Ҳунармандлар устахоналари анъаналари ва кўрсатмаларида уларни ёритиб ва мустахкамловчи диний эътиқодларни шакллантириш билан чамбарчас боғлиқ ишлар олиб борилган. Устахонанинг биноси-*ишхона* ушбу касб-зунар *сохибларининг пирларини (рузлар-зомийлар)* макони сифатида қадрланган. Барча хунармандлар учун нафақат руз-зомийни, балки унинг

тирик авлодини зам қадрлаш талаб этилган. Масалан, темирчилик хунарининг, чўян қуювчиларнинг зомийси ва зимоячиси Довуд пайғамбар бўлган, аммо уни ганчкорлар, новвойлар зам эзозлашган. Игна билан ишловчи барча хунармандларнинг (тикувчи, этикдўз, зардўз ва шу кабилар) зомийси Бобои Парадўз, куллоларнинг зомийси эса Бухоро шайхларининг Саиди ва Амири Кулол (ёки Калон) ва Баховуддин Нақшбандий зисобланган. Ривоятларга қараганда кулолчилик зунари Одам Атодан Саид Амир Кулолга, ундан эса Баховуддин Нақшбандий орқали барча куллоларга ўтган. Баховуддин Нақшбандий айниқса нақшланган буюмлар ишлаб чиқарувчи усталар томонидан эзозланган. Улар буюмларга нақш солиш Баховуддиндан қолганлиги туфайли уни *нақшбандий*, яъни тожикча *нақш* – расм, безак *ва банд* – боғламоқ (чизмоқ) маънодан келиб чиққан золда пир сифатида билганлар. Ўрта Ўсиёда шогирдларга "уста" номини бериш тадбирларида, одатда, касб-зунар зомийсининг вакиллари қатнашиши шарт зисобланган.

Яна шуни зам айтиб ўтиш жоизки, устахона биносини "пок" жой деб зисоблаб, уни *"пирхона"* деб аташган. Ушбу тасаввурлар асосида устахонага "нопок" золатда, яъни тазоратсиз кириш, туфлаш, одобсиз сўзларни гапириш, бировни хафа қилиш ва зақорат қилиш, бирор – бир ускунани ташлаб ёки отиб юбориш кабилар пирнинг ғазабини уйғотади деб қарашган. Буни ҳунармандлар пирга нисбатан хурматсизлик, эътиборсизлик деб зисоблаган (19, 22).

Уста устахона эгаси бўлиши учун албатта устозининг "оқ" фотихасини олиш ва албатта камар боғлаш удумидан ўтиш лозим бўлган. Уста устахона сотиб олаётган пайтда у ўзининг жамоасини, яъни устахона аъзоларини чақириб, ушбу устахонада ундан илгари ишлаган усталар рузларига атаб қурбонлик қилган, из чиқариш деб номланувчи зиёфат уюштирилган. Таомлар қаторида албатта хамир овқат ва *золвайитар* тортилган. Усталар, мезмонлар, шогирдлар таклиф қилинганлар, қўй ёки маблағ Асбоб-ускуналарни озода тутиш ва керакли жойда сақлаш. Шахсий гигиена. Хавфсизлик техникасининг асосида қоидалари ва инструкциялари,

шикастланишнинг асосий сабаблари ва олдини олиш йўллари. Бахтсиз ходиса содир бўлганда биринчи ёрдам кўрсатиш. Дори қути. Ёнғин ва унинг олдини олиш. Ҳар бир ижодкорнинг рухий холати, ўзи бажараётган буюмида ўз аксини топмасдан қолмайди. Киши руҳиятини кўтаришда эса хонанинг озодалиги, жиҳозларнинг қулайлиги музим роль қйнайди. Кулолчилик хонасини жиҳозлашда ҳайкалтарошлик хоналарини жиҳозлашнинг умумий қоидаларидан келиб чиққан холда жиҳозлаш қисман бўлсада фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Ҳар бир асбоб–ускуналар, хом–ашёлар, кўргазмали қуроллар, талабаларнинг тайёр ишлари, дастгоҳлар, электропечлар тартиби билан ўз жойига қўйилмоғи лозим. Кулолчилик устахонасида бевосита талабанинг фойдаланадиган майдони 50-55 $м^2$ бўлса, ҳар бир талабанинг иш ўрни бир–биридан 60 см, қаторлар орасида 1 м дан узоқликда бўлса, ҳаракатланиш қулай бўлади. Устахонага табиий ёруғлик тушишини таъминлаш, бунинг иложи бўлмаса, кундузги ёруғлик лампалари билан таъминлаш керак.Кулолчилик асарини ясаш учун талабадан мохир мусаввирликни, наққошликни, ҳайкалтарошликни талаб этади. Ҳар бир асбоб ускунани ёки дастгоҳи, электропечни, хумдонларни ишлатишнинг қонун–қоидалари мавжуд. Талабанинг бу технология билан танишмагани турли бахтсиз ходисаларни келиб чиқишига сабаб бўлади. Ишлашдан олдин албатта махсус иш кийимини кийиб олиш зарур. Хумдонда сопол буюмлар пиширишдан олдин хумдон атрофидаги буюмлар кўздан кечирилади. Ёнғиндан сақлаш чоралари кўриб чиқилади. Электроиситгичларда ишлаганда уни иситишдан олдин барча симлар, узелларнинг бутунлиги кўздан кечирилади. Агар баъзи симлар изоляцияси очилиб қолган бўлса, электропечларни ишлатишга рухсат этилмайди. Топилган камчиликлар тузатилгандан сўнг ишлашга рухсат берилади. Электропеч ишлатилиб, унга буюмлар қўйилиб, эшиклари ёпилгач унинг иссиқлиги аста-сёкинлик билан кўтарилиб боради. Бу вақтда печнинг эшигини ҳохлаган вақтда қайта-қайта очиш тақиқланади. Печ ва буюмлар маълум муддатда совигандан кейин олиниши мумкин. Агар сопол буюм тўғри технология асосида ясалган бўлса,

у ёрилмай чиқади. Дастгоҳда ва хумдонда ишлаш учун мавжуд қоидаларни ўзлаштирган ва уларга тўлиқ риоя қиладиган талабаларнигина махсус дафтарга имзо чёккандан кейин руҳсат этилади.

Етарли бўлмаганда – бошқа бирор жонлиқ сўйганлар. Бир йилда бир марта *худои* қилганлар (замма келиши мумкин бўлган қурбонлик зиёфати).

Устахона тоза жойга қурилиши лозим бўлган: уни аввалари зожатхона бўлган жойга қуриш тақиқланган ёки аввалари устахона бўлган жойга зожатхона қуриб бўлмаган.

Устахона биносини ва унда сақланиб турувчи асбоб, ускуна ва идиш-товоқларни ёмон кўздан асраш учун устахона ичкарисидаги устунларидан бирига ёки деворга *исириқ* осиб қўйилган.

Баъзи бир устахоналарда хатто даволаш ўтказилган. Масалан, кулолчилик устахоналарига бод ва сил касалига чалинган беморлар даволаниш учун келишган. Кулолчилик печи атрофида беморларни маълум муддат сақлаш баъзи золларда зақиқатдан зам беморга енгиллик келтирилган бўлса, бошқа устахоналарда даволаш сезргарлик зарактерида бўлган.

Агар устахонанинг эгаси вафот этса, бутун устахона жамоаси уч кунгача ишламасдан, оилавий мотамда қатнашган. Жамики ўтганлар хотирланувчи ражаб ойида, усталар ўз устахоналарида золвайитар билан хотира зиёфатлари уюштирар эдилар.

Шуни таъкидлаш лозимки, устахонага кирувчи янги аъзо устахонанинг замма кўрсатмаларига риоя қилиши шарт бўлган. Устахонага ва ундаги барча нарсаларга нисбатан хурматсизлик, сўкиниш, ўз қарзини узмасдан қочиб кетиш каби золларда, улар устахонадан муайян вақтгача четлатилган. Бундай золларда кенгаш чақирилиб, айбдор ўз қилмиши учун узр сўраши лозим бўлган ва кёкса усталарнинг насихатларини самимий қабул қилгандан сўнггина у яна *“қоидага”* кириши мумкин бўлган (19).

Шаркда ўғил болаларга касб-ҳунар сирларини ўргатиш одатда 12 ёшдан бошланган бўлиб, у 8-10 йил давом эттирилган. Шуниси эътиборга лойиқки, устозлик регламенти юридик равишда расмийлаштирилган: уста-

шогирд ўзаро муносабатлари ўша вақтларда шартнома тузиш орқали тасдиқланган. “Мажмуайи васаиқ” қўлёзмаси Самарқанд қозихонасида XVI асрда тузилган етти юздан ортиқ қарорни ўзида мужассамлаштирилган. Бу ерда биз устага шогирд бўлиб тушиши (баъзи золларда) унинг қариндоши ва уста ўртасида шартнома тузиш билан тасдиқланувчи маълумотлар топишимиз мумкин. Ушбу шартнома суд муассасаларида қайд қилинган.

Аввалом бор шогирд югурдаклик қилган, зовли ва устахонани тозалигини сақлаш, ярим махсулотлар тайёрлаш ва шу каби юмушларни бажарган, фақат 2-3 йилги қора ишдан сўнг уста мустақил равишда бажариш учун унга бирор бир иш қилишга рухсат берган. Кулолчиликда шогирдликнинг биринчи йилларида болалар устадан овқат ва кийим-бош ва баъзи пайтларда бир ёки иккита *посира (посра)* деб аталувчи тайёр махсулот олганлар ва уларни сотиб, тушган пулни соч олдиришга ёки чойга ишлатганлар. Агар уста шогирдга посра эмас пул берса, бу пул *чой пули, ош пули* деб аталган ва уни шогирдлар чой ва ширинликлар учун сарфлаганлар. Масалан, Қоратоғда шогирд устага сезиларли даражада ёрдам кўрсата бошлаганида, уста зар бир кулолчилик печидан чиққан махсулотларни ажратиб олаётганда, уларга совға сифатида бир ёки икки буюмни берган. Шогирд уларни сотиб пулини ўз золича сарфлаган. Уста шогирдини мустақил равишда ишлай олишига ишонч зосил қилгач, унга ишнинг бир қисмини беради ва шогирд ушбу иш сир-саноатини етарли даражада эгаллаб олиш имконига эга бўларди. Шу билан бирга, ўспирин ўлғайган сари ва унинг устахонадаги ўрни сезиларли бўлиб қолганда, устахона эгаси унга тез-тез ва катта миқдорда посра бера бошлаган. Уста шогирдига унинг мезнати учун иш зақи тўлай бошлаган пайтда, иш зақининг миқдори уста шогирдини ёқтириши ёки ёқтирмаслигига боғлиқ бўлган. Агар шогирд устага ёқмаса, уста унга деярли зеч нарса бермаган ва у бутунлай қора ишчи бўлиб қолган. Агар шогирд уста кўнглига ўтирса, уста унга *“уста”* номини олиши ва ўзи мустақил золда устахонага кириши учун пул ишлаб топиш имконини яратиб беради. Кўп золларда усталар яхши шогирдларни қўйиб юборишни

хозламасдилар ва уларни ўз қизларига уйлантирар эдилар ва шу билан бир қаторда ўғил қилиб олардилар. Шундан сўнг, уста хом-ашёга маълум миқдорда маблағ сарфлаб, шогирдга мустақил равишда ишлаш имконини беради. Шу йўл билан шогирд тайёрлаган махсулотини сотиб, ундан тушган маблағларни "уста" номини олишга бағишлаган маросими учун олиб қўярди.

Шуни таъкидлаш ўринлики, шогирдга ҳунармандчилик сирларини ўргатиш билан бир вақтда, унга ўзини устахонада қандай тутиши ва асбоб-ускуналарга қандай муносабатда бўлиши лозимлиги тўғрисида анъанавий кўрсатмалар берардилар.

Шогирдлар, "яхши уста" бўлиб етишиб чиқишлари учун, зар пайшанба куни устахонада шам ёқиб қўйишга мажбур этдилар. Шундай қилиб, бўлажак усталарни ёшликдан бошлаб анъана ва ўзини тутиши қоидалари билан таништирар эдилар.

Ҳар бир ҳунарманд, *"қонуний"* ва анъаналарга мос равишда усталар қаторига қўшилиш учун, ўкувчилик курсини тамомлагандан сўнг: биринчидан, ўз устозидан *"фотиха"* олмоғи; иккинчидан *"арвохи пир"* деб аталувчи удумни, яъни эгаллаган касб-зунарининг ўтган зомийларини хотиралаб, ҳунарманд оғаларига зиёфат бермоғи, уста оқсоқолларга совғалар бермоғи; учинчидан, "уста" номини олишга бағишланган маросимидан ўтмоғи ва бунда "камарбанд" деб номланувчи удумни бажариб, *"камар билан ўз белини боғлаши"* лозим бўлган.

Ўрта асрларда "уста" номини олишга бағишланган удум тўғрисида алохида тўхталиб ўтиш зарур. Ушбу удум *арвохи пир* маросими пайтида, устахонанинг замма аъзолари иштирокида бўлиб ўтган. Бошқа устахона рахбарлари ва катта усталари ва замда "уста" номини оладиган шогирднинг қариндош-уруғлари ва дўст-биродарлари таклиф қилганлар. Ҳунармандчилик рисолаларига биноан, шогирд йиҚилганларга ўзининг касбий махоратини ва устахона рисоласида баён қилинган қоидаларни тўлиқ билишини исбот намойиш қилмоғи лозим бўлган. Шундан сўнг, рисолада қонунлаштирилган анъаналарга мос равишда, "такбир" қабул қилиш чоғида шогирд қурбонлик

келтириши, овқат тайёрлаши ва барча усталардан ёрдам сўрамоғи лозим бўлган. Сўнгра у дуо қилувчиларга фахрий кийим-бош кийдириши, уларни табриклаши лозим бўлган ва шундан кейингина улар такбир берганлар ва *"камар баста"* – камар билан боғланиш удумини ўтказганлар. Бу устахонага қабул қилиш белгиси бўлган. Авлоди пир "уста" номида давогарлик қилувчининг белини *"фута"* (узун тасма) билан боғлаб қўйган, баъзи бир жойларда эса тасма билан шогирднинг қўлини боғлаган ва "биз шогирдни кёкса-усталарга бағишладик. Яхши уста бўлсин" деб эълон қилган.



Кулолчилик асбоб-ускуналари.

1-2-мола, 3-катта мола, 4-кичкина мола, 5-лабгир, 6-сим, 7-8-нақшин қолип, 10-лаган қолип, 11-13-нақшин қолип, 14-15-ғужмак, 16-туппа, 17-таги қалам, 18-тароқ, 19-кожкорд, 20-23-қалам, 24-25-паргар.




Ўзбекистон вилоятларидаги турли туман лаганларнинг шакли.
1-чарх товоқ (Риштон), 2-товоқи лангари (Самарқанд), 3-нақшин товоқ (Гиждувон), 4-лаъли товоқ (Самарқанд), 5-чуқур товоқ (Риштон), 6-миёна товоқ (Гиждувон), 7-миёна товоқ (Риштон).



Ўзбекистон вилоятларидаги коса турлари.
1-дўғоби коса (Самарқанд), 2-қаймоқ коса (Риштон), 3-лаби гардон, 4-коса (Гиждувон), 5-дукки коса (Гиждувон), 6-юмалоқ (Риштон), 7-нақишн коса (Риштон), 8-таркаш (Риштон), 9-10-коса (Риштон).



1



2

Хоразмдаги бодия косасининг шакллари
1-2-бодия.



Сув ва сут солинадиган идишларнинг шакллари.

1-қушқулоқча, (Тошкент), 2-ҳурмача, (Тошкент), 3-кўканак (Риштон), 4-чапия (Риштон),  5-графин для водь (Риштон).



Кўзаларнинг тузилишлари.

1-қулқулча (Самарқанд), 2-қатиқ кўза (Самарқанд), 3-обдаста каршаги (Қарши).

Талабаларга электр хавфсизлиги ва ёнғинни олдини олиш хақида маълумот бериш.

1. Хумдонлар ва электропечлар билан ишлашда ёнғиндан сақланиш,
2. электр техника хавфсизлик чораларини кўриш.
3. Кулолчилик устахонасини жиҳозлаш.
4. Кулолчилик дастгохлари ва уларнинг турлари.
5. Кулолчилик устахонасида хумдон ва электропечлар.
6. Электр симлари ва уни пайванд жойларини назардан ўтказиш.

**Мавзуни мустахкамлаш учун саволлар:**

1.Ёнғиндан сақланиш ва электротехника хавфсизлиги олдини олиш учун қандай чоралар кўрасиз?

2.Хумдон сўзининг луғатий маъноси нима?

3.Кулолчилик дастгоҳларининг қандай турлари мавжуд?

4.Кулолчиликдаги хом-ашё турлари ва ундла ишлатиладиган асбоб-ускуналарни биласизми?

5.Хумдон нима ёрдамида ишлатилади?

**Таянч тушунчалар:**

1.Хумдон – сопол буюмлар пишириладиган жой.

2.Гильвата – кўмир орасидан олинадиган қўрғошин сифат тош.

3.Панно – бинонинг деворига, шипига, ишланган катта дёкоратив кулолчилик, ҳайкалтарошлик композицияси.

4.Кулолчилик дасгози – усталар сопол буюмлар ясайдиган қурилма.

5.Қипиқ – ёғоч рандаланганда чиқадиган чиқимлар.

**Кичик ҳайвонлар шаклини ишлаш учун қўлланадиган материаллар.** Кулолчилик материаллари ва уларнинг турлари. Тупроқ турлари. Соф тупроқ, қора тупроқ, кўкимтир ва қизил лой. Буюмларга мос лой тайёрлаш техникаси ва унинг ҳусусиятлари. Гулдон, чинни лой, кошин лой, косагар лой, кўзагар лой. Гилвата ва рангли бўёқлар.

## Ликобча ва лаганларга композициялар ишлаш.

Кулолчилик буюмлари ва уларнинг турлари. Сопол, чинни, кошин буюмлар ва уларнинг бир-биридан фарқи. Хумдон, тандир, кўза, гулдон,лаган, коса, нимкоса, пиёла, ликопча, чойнак, офтоба замда ўйинчоқлар. Буюмга хос тайёрланадиган лойлар ва уларнинг хусусиятлари. Буюм ясаш услублари ва технологияси. Дастгоз, чархда буюм ясаш технологияси. Сопол ва чинни қадимий, мураккаб санъат турлари ҳисобланади. бу борада Ўзбекистон, амалий-безак санъати шу йўналишдаги ютуқлари бўйича дунёда биринчи ўринларда туради десак муболаға бўлмайди. Ўзбекистон кулолчиилги ва амалий санъатнинг бошқа турлари ҳам Россия орқали Европага тарқалди. Биздаги маълумотлар Хитой маълумотлари бўлиб ишлаб чиқилган жойдаги буюм ва унинг бўлакларидан тёкширилган. 1958 йилдан сўнг Хитой археологлари турли провинцияларда турли даврга оид кулолчилик печлари топилган. Шан даври печлари Хэнандан, Сун печлари – Фуцзяндан топилган. Цзиндэчженда чинни ишлаб чиқаришнинг асосий маркази бўлиб, чинни музейи ташкил қилинган, у эса Хитойга, Саксония учун Дрезден музейи каби, Франция учун Севр музейлари каби ўрин эгаллаган. Чинни экспорти асосан Лунцюанни буюмлари мухим хисобланади. Хитойнинг қадимги сопол буюмлари неолит даврига бориб тақалади. Шан давридан хақиқий Хитой кулолчилигининг ривожи бошланади. Шан пойтахти Аньяндаги қазилма ишлари буюмларнинг бир неча турларини аниқлайди: қўпол лойдан ишланган кулранг идишлар,

кундаликда фойдаланиш учун Цичжоудан келтирилган юпқа лойдан ишланган оқ рангли буюмлар қиммат идишлар сифатида фойдаланилган. Бу даврга оид турли идишлар топилиб, қўлда ёки кулолчиликка оид дастгоҳда ишланган. Уларнинг айримлари геометрик ёки услубийлаштирилган безаклар билан безатилиб, бу даврнинг бронза идишларига яқин бўлган. Чжоу давлати давридан бадиий аҳамияти жиҳатидан пастроқ бўлган кулранг лойдан ишланган буюмлар сақланиб қолган. Уларнинг айримлари геометрик шакллар билан безатилиб лой юмшоқлиги пайтида мато бўлаклари ёки тўқилган буюм ёрдамида изи тушурилган. Бошқа ишларда эса бронза буюмларига тақлид яққол намоён бўлган. Бу даврга оид яна бир шакл сақланиб, у бронза буюмларини тайёрлашда қўлланилган - уч оёқли идиш “ли” бўлиб унда овқат тайёрлашган.Хань сулоласи бошланишида юқори маданият даврини кузатамиз. Кулолчиликда у сирлашни қўлланганлиги билан машхурдир. Бу маданиятни хитойликлар классик деб номлашади ва иккита сулолага бўлишади: Ғарбий Хань (Чанъань пойтахти билан) эр.ав. 206 йилдан эрамизнинг 8 йилигача, Ван Ман хукмронлиги эгаллагандан сўнг – Шарқий Хань (Лоян пойтахти билан эрамизнинг 25 йилдан 220 йилигача). Бу даврда Шимолий Корея ва Тонкин эгаллаб Рим империяси билан денгиз йўли орқали алоқа бошланган эди. Хань кулолчилиги – бу фақатгина бўялган лой идиши эмас, балки буюм сирланган қўрғошинли қоришма билан қопланиб мис эритмаси билан бўялган ва гўзал яшил рангга эришилган. Бу даврга хос идишлар шаклларининг юқори қисми енгил рельефли фризлар билан безатилиб, динамик чизмалар мавжуд бўлган. Хань сопол буюмларида сирланган буюмлар кўп учрайди. Қабрларга меъморий безак элементлари ва ҳайкалчалар қўшиб кўмилган. Меъморий элементлар орасида штамп орқали бажарилган геометрик ёки ўсимликсимон шаклда ишланган ҳайвонларнинг рамзий тасвири ишланган. Терракотадан ишланган фигурачалар одамлар, ҳайвонлар, буюмлар ўрнига ишланган кичик “моделлар” бўлиб, ҳайкалчалар майидга

у дунёда ҳам бу дунёдаги каби хурсандчиликлар келтирсин деган мақсадда хизмат қилишлари учун майид билан қўшиб кўмилган. Бу каби турли ҳайкалчалар кўринишлари (минора, уй, қудуқларни) тасвирлаб, Хань сулола меъморчилиги хақида керакли маълумотлар беради. Турли ҳайвонлардан отлар, итлар, ўрдак ва бошқа қушлар жуда аниқлик ва жонли тасвирланган. Одам фигуралари орасидан бирлари мағрур бўлса бошқалари ҳаракатга бой ўйинчилар, акробатлар бўлиб ўликни хурсанд қилиш учун ишланган. Бу кичиккина дунёча бизнинг кўз олдимизда биринчи Хитой империяси хақида маълумот беради. Бундан сўнг тўрт юз йиллар давом этган бўлинишлар урушлар даври бошланади ва бу давр ҳақида жуда кам маълумотлар беради. Бу даврда “юэ” кулолчилиги пайдо бўлиб, протофорфор бўлиши мумкин. Топилган яшил ва жигарранг сирланган буюмлар Хань даврига оид бўлиши ҳам мумкин. Сианда олиб борилган қазилма ишларида император қабридан топилган оқ чиннидан ишланган биринчи буюмлар 608 йилга оид. Тан даври хорижий давлатлар билан алоқалар ривожи ва санъатдаги космополитиклиги билан белгиланади. Кулолчиликда Рея (Эрон) Самарра (Мессопотамия) ва Фустат (Миср) да топилган Тан идишлари орқали бошқа давлат таъсирлари сезилган. Бу даврда сирланган “сань-цой” буюмлари уч хил - сариқ, яшил ва кўк рангли нақшлар оқ фонда мармарга ўхшаш жигаррранг орнаментли буюмлар ажралиб турган. Бу даврда оқ хирароқ чинни пайдо бўлган. Бу чинни ва зайтун ранги Цичтоудан топилиб, кўпрангли буюмларнинг машҳурлигидан далолат беради. Бу даврда ҳам кўмиш учун ишлаган фигуралар ёш чиройли мусиқачи ва раққоса аёлларни тасвирлаб, кейинги асрларда бунга ўхшаш ҳайкалчалар кўп ишланган.Сун даври адабиёт, рангтасвир ва китоб босмаси билан бошланади ҳамда кулолчилик санъати ҳам муҳим жой эгаллайди. Бу даврда турли ва олий навли сопол ишлаб чиқариш ва уларнинг марказлари қисман аниқланди. Бир рангли буюмларга қизиқиш ортади. Рассомлар ва билимдонлар пластикани ва сифатни баҳолашди натижада орнамент ўз аҳамиятини йўқотди.

Контурлар оддийлашди, ранглар майинлашди. Бир буюмни ўзидаёқ ранг тўқликдан очликка  ўтиши кузатилади. Дин печлари буюмлари оқ эмал билан қопланиб, фил суяги рангини беради, Лунцюандаги яшилсимон “селадон” ларни мисол қилиш мумкин.Хитойда Мин сулоласи хукмронлиги (1368-1644) даврида кулолчиликнинг уйғониши юз беради. Меъморчиликда сирланган ғиштлар ва черепицаалр қўлланилди, чинни жуда кўп ишлаб чиқарилди. Цзиндэчженда каолин макони очилиши боис император мануфактураси вужудга келди. Эслатиш жоизки, чинни иккита қоришмадан яъни  Петунцзедан – у юқори температурада эрийдиган ва оловга чидамли каолиндан тайёрланади ва у буюмни оппоқ этиб кўрсатади. Уларнинг бирлашуви 1300 0 температурада юз беради. Техник янгиликлар Мин даври оқ шаффоф чинни ишлаб чиқишни киритди. Монохромлик ўрнига ранго ранглик эгаллади. Маньчжур сулоласи  Цин даврида кулолчилик тарихида Канси (1662-1722), Юн-Чжен (1723-1736) ва Цянь – Лун (1736-1796) хукмронлигида кенг ёйилди. Цзиндэчженда уч минг дона печ бўлиб махсулот юз минглаб  ишлаб чиқарилди. Франциянинг биргина Лориан шахрида 1723 йили 350.000 га яқин махсулот сотилган. Бу давр XVIII аср машхур кулоли Тан Иннинг фаолияти билан боғлиқ. Бу даврда кобальт асосда сапфир – кўк махсулотлари ишлб чиқариш юқори чўққига эришди. Экспорт учун мўлжалланган чиннидан тайёрланган “тухум пўстлоғи” идишларини эслатиб ўтиш жоиз – бу техник мукаммаллик ва нозиклик намунасидир. Дунёга шунча дурдоналар бериб, Хитой чинниси ўз йўлида гоҳ чўққига эришди гоҳ синиб келди.

## Кулолчилик лойидан коса, пиёла, товоқ ясаш ва уларни безаш.

X - XVIII асрга оид ёзули ва безакли ҳайвонлар тасвири мотивлари ўрнини янада ҳаётийроқ талқин этилган қушлар ва ўсимликлар тасвири билан алмашди. Оқ, қизил ва қора жигарранг мажмуаси лойқаланган сир тагидаги яшил нақшлар кўк-оқ ранг жамламаси ёки эркин- мовий қуйма тагидаги қора ранг сояси берилган нақшларга ўрнини бўшатиб берди. . XIV аср охири ва XV асрда Ўрта Осиё кулолчилигида ранг ва безакнинг янгича ўзгариши маълум даражада Хитой кулолчилиги таъсири билан изоҳланади. Хитой сополи буюмларини олиб келиш аввалги асрлардаёқ амалга оширилган. Ўрта Осиёнинг қадимги шаҳар қалъа ҳаробаларида хира ёруғ акси мавжуд сирланган, гўзал ва бўёғи мулойим пистоқи - яшил тусда бўлган чиннисимон селадонлар тез-тез учраб туради. Аммо селадонлар бу ердаги хақиқий чинни каби хайратга солган эмас. Хитой чинниси таъсирида Ўрта Осиё кулолчилигида оқ-мовий ранг устунликка эришди. Оқ-мовий сопол идишлар Амир Темур буюк давлатида йўлга қўиилган кенг халқаро алоқаларни ифода этади. Хитойдан келтирилган буюмлар таркибида каолин лойидан ясалган чинни-кобальт билан нақш солинган оппок қордёк сопол бўлган. Ўрта Осиё усталари чинни тайёрлаш сирларини билиша олмагач, каолин ўрнига сополчиликда XII асрдан бери, меъморчилик ўйма безакларида эса XIV асрдан бошлаб ишлат-илаётган кошиндан фойдаланишди. Безакларида хитойликлар форс мамлакатидан олиб келиб ишлатадиган метал кобальтни, баъзида эса қорамтир-яшил, кейинроқ сиёҳрангни қўллашган. Хитой чиннисининг таъсири идишларнинг ўзи ва бўёгига тақлид тарзида намоён

бўлиб, хитойча нақшларнинг кўплаб такрорланишига олиб келди. Аммо илк даврларда хитойча бадиий мотивлар ва рамзлар, бир жуфт шафтоли, булут монанд шакл тўғридан-тўғри кўчирилган бўлса, бу мотивлар аста-сёкинислимий безаклар услубига яқинлашиб, ўзгариб борди. Темурийларнинг сарой боғ шийпонларини безаган йирик гулдонлар парчаларидаги нақшлар кўпроқ, Хитой намуналари йўлида ишланган. Оппоқ қордёк кошинларда гоҳ эркин, гоҳ мулойим кўк кобальтдан ишланган эркин, рангин композициялар кўзга ташланади, Хитой услубида ишланган нилуфар гуллари ва бурмалари гоҳ эгилувчан қочирма тарзда, тош шаклли жим-жимадор лавҳаларда жойлаштирилган. Аммо Ўрта Осиёлик усталар у ёки бу унсурларни ўзлаштирганлари холда, кўр-кўрона тахлид қилишдан йироқ бўлганлар. Уларни ўзларича талқин қилишиб, янгича мотивларни киргизишган, Вақти-соати билан сопол идишлар безагида рангтасвир ва енгил оқма мужассам этилган ўзига хос расм услуби ишлаб чиқилди. Тасвирий мотивлар-мевали бутоқлар, қушлар ўқниб турган новдалар коса ёки идишнинг оқ ёхуд кўк фонида эркин жойлаштирилди. Баъзан марказий композициялар яратилди. Бундан безак акварель суратни эслатиб, табиатнинг лирик тимсолини мужассам этади. Кулолчилик безагидаги услуб ривожи исломдаги барча санъатга дахлдор ўзгаришлардан келиб чиққан бўлиб, аслида улар ислом шаклланишининг биринчи асрларидаёқ бошланган. Кейинчалик бундай ҳаракат миниатюра санъатида ўзининг ёрқин ифодасини топди. Бора-бора кулолчиликда бир хил ранг ўрнига ёрқин-кўк безак бўлмиш кўпранглик кириб келди. Радиус буйлаб нақшни бир маромда жойлаштириш ўрнига худди хомаки қилиб чизаётгандёк мўйқаламни эркин юргизиш, нақшни андоза қилиб такрорлаш ўрнига эркин шаклланаётган расм, белгилар ва рамзлар ўрнига реалистик талқин этилган мотивлар пайдо бўлди. XV аср бадиий кулоллиги янгилик кашф этиш йўлидан бориб, ўзида амалий санъатнинг

янги йўналишларини намоён эта бошлади. Агар аввалги асрларда нақш соҳаси, унинг ортида гулчамбарсимон услуб устунлик қлган бўлса, энди унинг ўрнига эркин услуб-рангтасвир кириб келди. Сополчиликда ёрқин мотив сирланган қорамтир расм шарпаси мавжуд бўлса - демак, бу XIV асрдаги махаллий анъаналарнинг сақланиб қолганлигидан далолат. Аммо мавзулар туркуми тамоман ўзгарган ўсимликсимон мотивларда табиатга садоқат сезилади. Уларнинг идиш устки сатхида жойлаштирилиши эркин. Улар белдаги чизиқ ёки ўқ атрофига аниқ хандасавий усулда жойлаштирилмаган бўлсада, шаклнинг композициясидаги аниқлик бузилмаган. Темуриилар даври сопол идишларининг шакллари ҳам ранг-баранг бўлган. Бунинг икки тури кенг тарқалган. Чуқур, узуксимон оёқда, четлари тёкис, ясси қайрилган, чёккалари баланд бўлмаган турри деворлари тёкис кўзаларнинг шакли ранго-ранг. Улардан айримларининг шаклий кўринишлари камёб. Уларнинг мукобилларини учратиш ҳам қийин. Афтидан, улар махсус буюртма асосида, чегараланган миқдорда тайёрланган. Кўриниб турибдики, чиннисимон буюмларнинг деярли барчаси, хусусан, мана шу даврда шакллантирилган. Кулолчиликдаги безакнинг тубдан ўзгариши XV аср Мовароуннахр бадиий маданиятининг барча томонларига таъсир курсатган тарихий жараёнлар инъикосидир. Таъкидлаш лозимки, ушбу йуналишлар ушбу давр миниатюра-рангтасвири учун ҳам хос хусусиятдир. Гарчи бевосита миниатюра билан боғлик, муқобил мисоллар бўлмасада фақат Нисо кулолчилигида темуриилар даври миниатюрасидан олинган сюжетлар ва образлар учрайди, кулолчилик безагидаги рангтасвир услуби XV асрда санъатни юксакликка кўтарган уйғониш даври йуналишларини акс эттирувчи яна бир далил бўла олади. Ўқувчилар ўтмишдаги ота боболаримизнинг тарихини, миллий анъаналаримизни чуқур ўрганган холда, замонавий сопол ёки чинни буюмлари учун композициялар ишлайдилар. Бундай компазициялар яратишларида Риштон, Ғиждувон кулолчи усталар ҳамда устоз

рассомларимиз Чингиз Ахмаровнинг чинни лаганларга ишлаган “Етти гўзал” ва Рахматулла Арипжоновнинг “ Атлас”, “Оқ олтин” номли пахта гуллий чойнак, пиёлалар тўпламлари, уларни ишлаш технологиялари билан танишиб чиқан холда, ўзларининг

# III – БОБ. Тажриба – синов ишларини ташкил этиш, ўтказиш методикаси ва натижалар таҳлили

Амалий санъат йўналишидаги педагогик олий ўқув юртларида бўйича мутахассислар тайёрлашни такомиллаштириш жараёнида “Бадиий кулолчиликка” фойдаланишга оид дастурлар, дарсликлар ва ўқув қўлланмалар ишлаб чиқилмаганлиги касб-ҳунар таълими олдида турган муаммолардан бири ҳисобланади.

Бу камчиликларни бартараф этиш мақсадида, амалий тажрибалар асосида биз томонимиздан 2009 йилда “Бадиий кулолчиликка” дастури ишлаб чиқилди тасдиқланди. Ушбу дастурни ишлаб чиқишда қуйидаги омиллар ҳисобга олинди:

- касбий тайёргарлик жараёнининг кўп томонламалиги;
- ўқув семестрлари ва унинг давомийлиги;
- ҳафталик ўқув юкламаларининг қиймати, ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини эгаллаганлик (тушунарлилик) даражаси;
- таълимнинг турли босқичларида билим, кўникма ва малакалар сифатини белгиловчи баҳолаш мезонлари кўрсаткичлари.

Тажриба-синов ишлари 2008-2010 йилларда олиб борилди. Тажриба майдонлари этиб Низомий номли ТДПУ белгиланди.

Тажриба-синов тариқасида ўтказилаётган тадқиқотнинг мақсади- тайёрлашда талабаларни тасвирий фаолиятини шакллантириш методикасини ишлаб чиқиш, ўқув дастурини тажриба-синовдан ўтказиш ҳамда уларнинг самарадорлигини текширишдан иборат.

**Амалий санъат асарларини бадиий тахлил қилиш мезонлари. (Бадиий куолочилик безаклари бўйича)**

*1-жадвал*

| № | Мезон тартиби | Баллар | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | эсла тма |
| 1 | Ғоя | | | | | | |
| 2 | Мантиқ | | | | | | |
| **3** | Жойлаштириш | | | | | | |
| **4** | Олтин кесм қоидаси | | | | | | |
| **5** | Симметрия | | | | | | |
| **6** | Асимметрия | | | | | | |
| **7** | Нисбийлик | | | | | | |
| **8** | Маром (ритм) | | | | | | |
| **9** | Динамикавийлик | | | | | | |
| **10** | Тақсим | | | | | | |
| **11** | Уйғунлик | | | | | | |
| **12** | Жозибадорлик | | | | | | |
| **13** | Ранг | | | | | | |
| **14** | Колорит | | | | | | |
| **15** | Ишланиш технологияси | | | | | | |
| **16** | Ёрқинлиги | | | | | | |
| **17** | Ўлчами | | | | | | |
| **18** | Янгилиги | | | | | | |
| **19** | Равонлиги(плостичность) | | | | | | |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **20** | Рамзийлик | | | | | | |
| **21** | Пардози | | | | | | |
| **22** | Стилизация | | | | | | |

## Талабаларнинг бажарган амалий ишлари (кулолчилик буюм сиртига ишлаган композиция) ни баҳолаш мезони

*2-жадвал*

| № | Талабалар | 1 | 2 | 3 |
|---|---|---|---|---|
| 1 | **Нақш композициясининг қоғоз сатҳига тўғри жойлаштириш ва композиция тузиш қонун-қоидаларига амал қилиганлиги** | 1 | 2 | 3 |
| 2 | **Нақш композициясида чизиқларнинг равонлиги ва нақш элементлари шу ўрнида қўлланилганлиги ва нисбатлари** | 1 | 2 | 3 |
